БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 175

12 ОКТЯБРЬ СЕШАНБА 1954 ЙИЛ

БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

БУГУНГИ СОНДА:

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ (1-нчи бет).

Совет Узбекистонида (1-нчи бет).

З. Муҳамаджонов, З. Исроилов. — Байрамолди совғасини кўпайтирмоқдалар (1-нчи бет).

Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасида (1-нчи бет).

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 30 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН. **А. А'замхўжаев, Ш. Уразаев.** — Ўзбекистонда Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг ғалабаси (2-нчи бет).

Е. Годовиков. — Клубларнинг корхоналар блан алоқасини мустаҳкамлайлик (2-нчи бет).

Пахтакор ўртоқлар! Ғанимат кунларнинг ҳарбир соатидан унумли фойдаланиб, белгиланган графикни ошириб бажарайлик! Б. Халилов. — Важ ва баҳона изловчилар... **Н. Эгамназаров.** — Ўртачирчиқ районинма учун қолоқликдан чиқмаётир? **Ф. Усмонова.** — «Колхоз радио узелидан гапирамиз...» (3-нчи бет).

Совет Иттифоқи Ҳукумат делегациясининг Хитой халқ республикасида бўлиши (4-нчи бет).

Совет Иттифоқи Ҳукумат делегациясининг Германия Демократик Республикасида бўлишига доир (4-нчи бет).

БМТ Бош Ассамблеясининг тўққизинчи сессиясида (4-нчи бет).

Руминия Халқ Республикасининг олий судида (4-нчи бет).

Сушилка хўжалигини тахт қилиб қўяйлик

Пахта — халқимизнинг қимматли бойлигидир. Бу қимматли бойликни сра нобуд қилмасдан йиғиб-териб давлатга топшириш — пахтакорларимизнинг ватанпарварлик бурчидир. Шу кунларда поёнсиз пахта далаларимизда етиштирилган мўл ҳосил йиғиб-териб олинмоқда. Илғор колхоз, совхоз ва районлар меҳнатни тўғри уюштириб, йиғим-теримни зўр уюшқоқлик блан қисқа муддатда ўтказиш, давлат пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажариш учун кураш олиб бормоқдалар. Илғорлар ҳарқандай об-ҳаво шароитида ҳам пахта тайёрлаш сур'атини бўшаштирмаслик учун ҳозирданоқ сушилка хўжалигини тайёрлаб қўймоқдалар, бригадаларда қуритиш майдончаларини кенгайтирмоқдалар, йўл ва кўприкларнинг тайёрланганлигини яна бир марта текшириб кўрмоқдалар.

Лекин, умуман олганда областимиз колхоз ва совхозларида ёнингарчилик шароитида ҳам сур'атни бўшаштирмай, пахта топширишни уюштириш учун етарли тайёргарлик кўрилмаётир. Ўтган йили пахта тайёрлаш планининг бажарилмаслигига биринчи навбатда пахта қуритиш ишларининг яхши уюштирилмаганлиги ва бунинг натижасида нобудгарчиликка йўл қўйилганлиги сабаб бўлган эди. Бултур кўп колхозларда сушилка хўжалигининг самарали ишлашига етарли эътибор берилмади. Кўпчилик колхоз ва совхозлар сушилкаларни ўз вақтида қуриб битказмадилар, ремонт ишларини ниҳоятда чўзиб юбордилар, қўмир ва ўтинни ғамлаб қўймадилар. Ёнингарчилик эрта бошланганлиги туфайли, пахта қуритиш процессидаги ишлар қийинлашиб, колхозларда меҳнат қунининг ортиқча сарфланишига мажбур бўлиндики, бу, колхозларга моддий жиҳатдан катта зарар келтирди.

Очиқ эътироф қилишимиз керакки, кўпчилик жойларда ўтган йилги хатолар бу йил яна такрорланмоқда. Давлат томонидан янги типдаги сушилкалар қуриш учун етарли миқдорда материаллар етказиб берилаётганига қарамай, колхоз ва совхозларда ҳалигача белгиланган миқдордаги сушилкалар қуриб битказилгани йўқ.

Бу йилги планга кўра, областимиз колхозларида янгидан 216 та газ сушилкаси қуриб битказилиши керак эди. Облпотребсоюз (раиси ўртоқ Муҳиддинов) ва унинг жойлардаги органлари колхозлардаги сушилка қурилиши учун керакли материалларни ўз вақтида етказиб бермаётганликлари сабабли ҳозиргача фақат 87 та газ сушилкаси битказилди. Улар вентилятор, ремен, шифер, цементни заказчиларга белгиланган миқдорда ҳамда ўз вақтида келтириб бермаётирлар. Натижада қурилиш ишлари ўртасида узоқ узулиш бўлиб колмоқда.

Ба'зи бир район партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари сушилка хўжалигини ишлашга тахт қилиб қўйиш юзасидан конкрет тадбирлар белгиламаётирлар, бу ҳақда жуда кўп гапириб, амалда эса жуда оз иш қилмоқдалар. Бунга Бўка районини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу йил районда янгидан 17 та газ сушилкаси қуриш керак эди, шундан фақат 5 таси битказилди. Райондаги Вильямс номли, «XIX партс'езд», Тимирязов номли колхозларда сушилка қуриш ишлари бошлангандан бери бир ярим-икки ой ўтган бўлса ҳам ҳалигача тугалланмаган. Сушилка учун тайёрланган хом ғишт ва бошқа материаллар эгасизланиб, нобуд бўлмоқда.

Бўка район раҳбарлари (район партия комитетининг секретари Аҳмедов, район ижроия комитетининг раиси Маҳкамов ўртоқлар) афтидан бултурги қийинчиликларни унутиб қўйган бўлсалар керак?! Ахир, ўтган йили сушилкалар етишмаганлиги туфайли фидокорона меҳнат қилиб етиштирилган ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлган эдику!

Сушилкалар қурилиши фақат Бўка районида кечиктирилаётгани йўқ. Бу аҳволни Пискент, Бекобод, Ховос районларида ҳам учратиш мумкин. Пискент районида план бўйича 13 та сушилка қурилиши керак эди, шундан энди иккитаси битказилди. Бекобод районида мўлжалдаги 8 та газ сушилкасидан биронтаси ҳам ҳозиргача тайёр эмас.

Маҳаллий партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, колхозларнинг раислари, совхозларнинг директорлари мавжуд камчиликларни тезда бартараф қилиб, сушилкалар қурилишини тезлатиш юзасидан амалий чоралар кўришлари, ҳарқандай об-ҳаво шароитида ҳам пахта тайёрлаш имкониятига эга бўлиш тадбирларини ўз вақтида белгилаб қўйишлари лозим. Шунга эришиш керакки, ҳамма сушилкалар ремонтдан чиқарилиб, тахт қилиб қўйилсин, янги қурилаётганлари тезроқ битказилсин, сушилкаларнинг унумли ишлашлари учун етарли миқдорда ўтин-кўмир жамғариб қўйилсин. Партия, совет ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик органлари сушилкалар ремонти устидан контрольликни кучайтиришлари, қурилиш ишларини ҳархил сабаблар блан пайсалга солаётган кишиларни қаттиқ жавобгарликка тортишлари керак. Облпотребсоюз ва унинг район ташкилотлари сушилкалар учун керакли бўлган қурилиш материалларини колхозларга ўз вақтида етказиб беришга мажбурдирлар.

Давлатга пахта топширишни тез ва муваффақиятли ўтказишда колхозлараро ҳамда тайёрлов пунктларига олиб борадиган йўлларнинг яхши бўлиши, кўприкларнинг ҳамавақт тузатилган ҳолда туриши ҳар жиҳатдан муҳимдир. Агар йўл ва кўприклар носоз бўлса, транспортнинг қатнови қийинлашади ёки автомашина ҳамда аравалар шикастланиб, тезда ишдан чиқиб қолади.

Район партия ва совет ташкилотларининг, қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари қўйи, йўлларнинг ҳамавақт яхши бўлиб туриши устидан доимий назорат ўрнатишлари керак. МТСлар ҳамда машина-экскаватор станциялари йўлларни тузатиш соҳасида колхозларга амалий ёрдам беришлари зарур.

Бу йил областимиз пахтакорлари, механизаторлари ҳамда барча қишлоқ меҳнаткашлари олдида мамлакатга 500 минг тонна пахта етказиб беришдек шарафли вазифа турибди. Ана шу юксак мажбуриятни бажаришга муносиб ҳисса қўшиш — ҳарбир кишининг ватанпарварлик бурчидир.

Колхозларимиз ва совхозларимизда ҳарқандай шароитда ҳам пахта топшириш имкониятига эга бўлинса — сушилка хўжалиги яхши йўлга қўйилган бўлса, бу вазифа шараф блан бажарилади.

Октябрь — йиғим-теримда ҳал қилучи ой. Бу ойнинг ҳарбир куни ғанимат. Ғанимат кунларнинг ҳар соатидан самарали фойдаланайлик. Ҳозирги кунларда ҳарбир кишининг қадри-қиймати ва виждони, унинг пахта йиғим-теримида қачдай иштирок этаётгани блан ўлчанади. Пахта теримида актив иштирок этиб, ўз ватанпарварлик бурчимизни шараф блан бажариш учун курашайлик!

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллиги байрамини ва Совет Ўзбекистонининг 30 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғалари блан кутиб олиш ва мамлакатга ҳарқачонгидан кўпроқ пахта етказиб бериш учун курашиш — областимиз пахтакорлари ва механизаторларининг жонажон ишидир.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

Ёзучи Н. П. Бажанни Ленин ордени блан мукофотлаш тўғрисида

Бадиий адабиёт соҳасидаги хизматлари учун туғилган кунига эллик йил тўлиши муносабати блан ёзучи Николай Платонович **Бажан** Ленин ордени блан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. ВОРОШИЛОВ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари Н. ПЕГОВ.

Москва, Кремль
1954 йил 9 октябрь.

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 11 ОКТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Районларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
Мирзачўл	2,81	55,70	Бўка	2,20	36,45
Сирдар'ё	2,34	53,36	Бекобод	1,43	35,12
Верхне-волинск	2,33	49,85	Пискент	1,45	33,88
Гулистон	2,04	49,71	Оҳангарон	1,58	33,28
Оржоникидзе	1,93	44,03	Янгийўл	1,75	32,54
Юқоричирчиқ	2,06	43,62	Октябрь	1,67	31,91
Калинин	1,62	42,24	Ўртасарой	1,49	30,52
Чиноз	1,89	39,77	Ўртачирчиқ	1,30	29,91
Оққўрғон	1,85	38,66	Қуйичирчиқ	1,09	23,73
Ховос	1,90	37,30	Паркент	0,65	23,46

ОБЛАСТЬ СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 1954 ЙИЛ 11 ОКТЯБРЬГАЧА БЎЛГАН МА'ЛУМОТ

(процент ҳисоби блан)

Совхозларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан	Совхозларнинг номи	Бир кунда	Мавсум бошидан
«Малик»	2,93	54,64	Учинчи «Дальварзин»	1,22	32,55
Сталин номли 16-нчи совхоз	2,63	43,37	Иккинчи «Боёвут»	2,04	31,22
Биринчи «Дальварзин»	1,74	39,63	Сталин номли 17-нчи совхоз	1,46	30,86
Учинчи «Боёвут»	2,06	36,61	Тўртинчи «Боёвут»	1,69	27,37
Иккинчи «Дальварзин»	1,79	36,61	«ЎзССР бешйиллиги совхози»	1,09	23,73
Биринчи «Боёвут»	2,33	35,07			

Совет Ўзбекистонида

☆

Қамаши районининг колхозлари пахта тайёрлаш планини бажардилар

ҚАМАШИ. (Қашқадар'ё области), 11 октябрь. (ЎзТАГ). Косон ва Деҳқонобод районларининг колхозларидан кейин Қамаши районининг колхозлари ҳам пахта тайёрлаш давлат планини бажардилар. Улуғ Октябрьнинг 37 йиллигини ва Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бораётган мусобақада Сталин номли, «Қаҳрамон», «Ленин йўли» ва Карл Маркс номли колхозлар биринчиликни олдилар. Бу колхозлар ҳозирдаёқ планни 130—150 процентгача бажардилар. Бу колхозлар топширган пахтанинг кўп қисми отбор ва биринчи сортга қабул қилинди.

Колхозчилар ва механизаторларнинг аҳиллик блан ишлаганлиги йиғим-терим ишларини муваффақиятли олиб боришга ёрдам берди. Қамаши районидаги 2-нчи МТСнинг механик-ҳайдовчиларидан К. Пардаев, Р. Бойбўтаев ўртоқлар мавсум бошидан буён ўз агрегатлари блан 50 тоннадан пахта тердилар.

Районнинг колхозлари ҳосилни йиғиб-териб олишни давом этдирмоқдалар.

Гектаридан 35—40 центнердан пахта топширилди

АНДИЖОН. (ЎзТАГ). Андижон районидаги Сталин номли қишлоқ хўжалик артелининг пахтакорлари Улуғ Октябрьнинг 37 йиллигини муносиб равишда кутиб олиш учун мусобақалашмоқдалар. Жўрабой Мамадалиев бошлиқ звено байрамолди меҳнат вахтасида энг яхши натижаларга эришди. Звено тайёрлов пунктига район бўйича энг юқори ҳосил—10 гектар ернинг ҳар гектаридан қирқ центнердан пахта топширди. Мамадалиев бошлиқ звено топширган 400 центнер пахтанинг ҳаммаси нуқул отбор сортга қабул қилинди. Бу звенонинг ерларида ҳали кўп пахта бор. Бу эса олинган юксак мажбуриятнинг бажарилишини — гектаридан 50 центнердан пахта топширилишини та'минлайди. Звенонинг энг яхши теримчиларидан Турсуной Холматова ва Ширмонхон Азизовларнинг ҳарқайсиси хирмонга беш минг килограммдан кўпроқ пахта топшириб, мавсум топширигини бир ярим баравар ошириб бажардилар.

Машинасозлар пахтакорларга ёрдам учун жўнамоқдалар

Шу кунларда колхоз далаларида етиштирилган пахта ҳосилининг кўп қисмини механизация усули блан териб олиш учун кураш қизғин тус олмоқда.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг «1954 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашнинг бориши тўғрисида» деб чиқарган қарорига жавобан Чирчиқдаги «Средазхиммаш» заводининг бир группа ишчилари пахта териш ва кўрак чувиш машиналарини тез вақт ичида тайёр қилиб ишга тушириш, шунингдек улардан самарали фойдаланишни ташкил қилишда МТС ва совхозларга ёрдам бериш мақсадида далаларга чиқиш ҳоҳишини билдирдилар.

Ёрдам учун отланган механик Румянцев, пармаловчи Ярунин ва бошқалардан иборат 10 киши қишлоқларга чиқиш олдидан Тошкентдаги Ворошилов номли қишлоқ хўжалик машинасозлик заводида бўлдилар. Бу ерда пахта териш машиналарининг конструкцияси блан мукаммал таништилар ва бу ҳақда лекциялар тингладилар.

Яқинда бу ватанпарвар машинасозлар Наманган ва Андижон областларининг МТС ва совхозларига жўнаб кетдилар.

Л. МИШИН.



Қўқон йигирув-пайпоқ комбинати республикамиздаги йирик саноат корхоналаридан биридир. **Суратда:** йигирув цехининг умумий кўриниши. Олдинда, цехнинг илғор йигирувчиси **Г. В. Силина** иш устида.

Р. Исаев фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

☆ ☆ ☆

Археологларнинг янги тадқиқотлари

НУКУС. (ЎзТАГ). Қадимги Хоразм ёдгорликларини ўрганаётган Хоразм археология-этнография экспедицияси дала ишлари мавсумини тамомлади. Экспедиция бошлиғи, СССР Фанлар академиясининг корреспондент а'зоси профессор С. Толстов ЎзТАГ мухбири блан суҳбатда қуйидагиларни айтди:

— Биз бу йил Қорақалпоғистондаги Тўрткўл районининг шарқий томонида жойлашган Қўй қирилган Қал'а шаҳрини қазиш ишларини давом этдирдик. Эрамиздан аввалги IV—III асрларга доир бўлган бу ёдгорлик марказида ғоят катта башнясимон биноси бўлган айланаси 89 метр тўғри доирали шаклда қурилган. Ҳозиргача бу жойнинг тўртдан уч қисми очилди. Қазиш ишлари қадимги Хоразм тарихини кўрсатадиган бой материал берди.

Жуда кўп миқдорда турар ҳоналар, омбор ва ишлаб чиқариш бинолари, шунингдек кўп ўчоқлар, дон сақланадиган чуқурлар қазилди. Топилган темир буюмлар — ўроқ, иккита пичоқ, камон ўқининг учи эътиборни ўзига анча тортади.

Ғоят кўп миқдорда амалий сан'ат асарлари аниқланди. Ганчдан ишланган ҳайкалчаларнинг парчалари, деворларга кўп ранг блан ёзилган хатларнинг парчалари топилди. Қўй қирилган Қал'анинг деволга туширилган жуда нафис суратлари Ўрта Осиё антик суратқашлигининг энг қадимги намунасидир.

Кўй қирилган Қал'ани қазиш блан бирвақтда қадимги ирригация системаси ҳам ўрганилмоқда.

Амудар'ёнинг қадимги этаги Аққадар'ё ёдгорликларини текшириш бўйича катта археология ишлари қучайтирилмоқда. Олиб борилаётган ишлар шуни кўрсатадики, Аққадар'ё ўзанининг бир қисми бронза асри вақтида бўлган. Аққадар'ё районида ирригация иншоотларининг қолдиқлари, эрамизгача бўлган иккинчи минг йилнинг ўрталарига тааллуқли бўлган ерларнинг изи топилди. Қадимги ирригация ёдгорликларини синчиклаб ўрганилиши Ўрта Осиёда суғориладиган деҳқончиликнинг келиб чиқишини аниқлаш имкониятини беради.

Кўкча тоғи районида бронза асрига тааллуқли қабрнинг топилиши қадимги Хоразм аҳолисининг этник тарихига ғоят катта қизиқиш туғдиради. Шу районда тақир ерлар устида 100 тага яқин қабр чуқурлари топилди.

Қирқ қизда эрамизнинг еттинчи—саккизинчи асрларида қурилган Бургут Қал'а қўрғони қазилабошланди.

Экспедиция ҳозирги вақтда қадимги Черменёб канали районига, шунингдек Ўрта Узбойга кўчмоқда. Бу ерларда қадимги Хоразм моддий маданият хотираларини археологик қазиш ишлари давом этдирилади.

Кузги ғалла экиш илғорлари

ҚАРШИ. (ЎзТАГ). Қашқадар'ё областининг илғор колхозлари ва МТСлари кузги буғдой ва арпа экишни уюшқоқлик блан ўтказмоқдалар. Бу йил кузги экинлар анча барвақт экиб олинмоқда. Кузги ғалланинг анчагина қисми қўндаланг, қатор оралари торайтирилган усул блан экилмоқда.

Қамаши районидаги 1-нчи МТС механизаторлари октябрь 37 йиллигини ва Ўзбекистон ССР 30 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақага қўшилиб, меҳнат соҳасида катта муваффақиятларга эришмоқдалар. Экиш илғорлари бўлган тракторчилардан Бўрон Эшқобилов ва Муса Исаев ҳар кун 12—14 гектар ерга ғалла экмоқдалар ва ишни а'ло сифатли қилиб бажармоқдалар.

Байрамолди совғасини кўпайтирмоқдалар

Шу кунларда Тошкентдаги пайпоқ-трикотаж фабрикасининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари байрамолди мусобақасини авж олдириб, ҳарқачонгидан ҳам зўр ғайрат блан ишламоқдалар Фабрикада ишловчи ҳарбир ишчи, ҳарбир мастер, ҳарбир инженер-техникнинг юрагида Улуғ Октябрь байрамини ва республикамизнинг шонли 30 йиллик юбилейини меҳнат соҳасида кун сайин юқори кўрсатгичларга эришиш блан ҳал қилиб олиш иштиёқи қайнайди. Улар улуғ айём кунлари олдидан аҳолига кўплаб сифатли пайпоқлар ва турли трикотаж маҳсулотларини етказиб беришни ўзларининг юксак ватанпарварлик бурчлари деб билмоқдалар.

Фабрикадаги ишчиларнинг деярлик ҳаммаси смена нормасини бажараётир. Улардан 536 киши доимо кундалик топшириқни ошириб бажараётир, 200 дан ортиқ ишчи эса, смена нормасини, 150-250 процентдан адо этаётир. Илғор новаторлардан 80 киши бешйиллик план бўйича белгиланган нормаларини муддатидан илгари тугаллаб, ҳозир навбатдаги бешйиллик ҳисобига ишламоқдалар.

Фабрика партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари коллектив ўртасида меҳнат унумини ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш ва унинг таннархини арзонлаштириш учун барча оммавий-ташкилий ишларни қизитиб юборган. Цехлар бригадалар ва ишчилар ўртасида ўзаро социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб юборилгани ва унинг натижаларини систематик равишда текшириб бориш самарали натижа бермоқда.

Коммунист А. И. Каграманов бошчилигидаги тўқучилик цехнинг коллективи кўп вақтдан бери цехлараро мусобақада биринчи ўринда келмоқда. Бу цех ишчилари илғор иш методларини кенг қўлланиш, станокларнинг бўш туришига йўл қўйилмаслик хомаш'ё ва электр энергиясини тежаб ишлатиш натижасида ой сари давлат планини ошириб бажараётирлар. Цехнинг Марям Юнусова бошчилигидаги а'ло сифатли маҳсулот ишлаб чиқаручи бригада а'золари ишлабчиқаришда бракка мутлақо йўл қўймай, ойлик планларини 120-140 процентдан бажараётирлар. Улар бирнеча ойдан бери ўз сменадошлари — илғор тўқучи Марям Матросова бригадаси блан мусобақалашиб, фабрика кўчма Қизил байроғини ўз қўлларида сақлаб келмоқдалар.

Шунингдек бўёқчилик, тикучилик ва капрон цехларининг коллективлари ҳам фидокорона меҳнат қилиб 9 ойлик давлат топшириғини белгиланганидан анча ошириб бажардилар.

Фабрика ишчи ва хизматчиларининг астойдил қилган ғайрати натижасида сентябрь ойи плани 117,9 процентга етказиб бажарилди. 9 ойлик давлат программаси фабрика бўйича 116,4 процент қилиб адо этилди. Шу муддат ичида аҳолига пландан ташқари 4500 дона ич кийимлари, 8000 дона ташқи трикотаж кийимлари, 20 минг пардан ортиқ капрон ва вискоз пайпоқ ишлаб берилди. Ишлабчиқаришда рационализаторлик ва ихтиро'чилик таклифларини кенг қўлланиш, ортиқча харажатларни қисқартириш, хомаш'ё ва электр энергиясини тежаш ҳамда мавжуд ишлабчиқариш майдонидан максимал фойдаланиш каби фойдали тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида меҳнат унумини 4 процент ошириштa, ишлабчиқарилган маҳсулот таннархини эса, 600 минг сўмдан кўпроқ арзонлаштиришга эришилди.

Айниқса, фабрика бадиий совети ва техника совети бўлимларининг ташаббускор коллективлари томонидан ишлаб чиқарилган 20 га яқин янги хил чиройлик материаллар исте'молчилар учун қимматли совға бўлди.

Фабрика бошқармаси ишлабчиқаришда эришилган бу ютуқларни янги муваффақиятлар блан мустаҳкамлаш учун ҳамма тадбир ва чораларни амалга оширишга ҳаракат қилмоқда. Ишлабчиқаришни узлуксиз равишда юксалтириб боришнинг асосий шартларидан бири бўлган қишки мавсумга тайёргарлик ишлари фабрикада ўз вақтида бошланди. Қуручи ва ремонтчилар ўртасида ишни қизитиб юбориш натижасида корхонанинг капитал ва жорий ремонти учун ажратилган маблағнинг кўпчилик қисми фойдаланилиб, асосий об'ектлар қуриб битказилди ва ремонтдан чиқарилди. Тикучилик, бичучилик, пайпоқ цехлари ва иситиш системаси сифатли ремонт қилинди. Тайёр молларни сақлаш учун 77 минг сўм маблағ сарф қилиб янги склад қурилди. Фабрика территориясидаги йўлларни яхшилашга 18 минг сўм сарфланди. Ишчиларнинг моддий ва маиший шароитларини яхшилаш мақсадида битта 16 хоналик ва битта 9 хоналик уй-жой қуриб берилди. 3 қаватли катта ётоқхона капитал ремонт қилинди. Янги болалар боқчаси қурилди. Шунингдек ошхона, чойхона ва маданият клублари сифатли ремонтдан чиқарилиб, яхшилаб жихозланди. Буларнинг ҳаммасига 300 минг сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Ҳозир айрим майда ремонт ишлари бажарилмоқда. Булар ҳам 15 октябрьгача тугалланади.

З. МУҲАМАДЖОНОВ.
З. ИСРОИЛОВ.

БУТУНИТТИФОҚ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВИСТАВКАСИДА

Илғор иш тажрибалари кенг оммалаштирилсин

8 октябрьда виставкада қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг командирлари—Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкаси қатнашчиларининг учрашуви бўлди. Эрталаб соат 10 да конференциялар залида мамлакатнинг кўпгина республикалари, ўлкалари ва областьларидан келган мингдан ортиқ киши — колхоз раислари, совхоз ва МТС директорлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари тўпланди.

Курган областидаги Шадринск МТСнинг агрономи М. Муҳамедьянов бу станция хизмат қилаётган етти колхознинг ҳаммасида тупроқни колхоз олими Т. С. Мальцев белгилаб берган усулда ишлаш системаси жорий қилинганлиги тўғрисида сўзлаб берди. Ҳамма колхозлар дон экинларидан муттасил юқори ҳосил олмоқдалар. Бу йил 4360 гектар ернинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 16,9 центнердан баҳори буғдой олинган. Ўртоқ Мальцев ишлаётган «Завети Ленина» колхозида 943 гектар ернинг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 31 центнердан ғалла ҳосили олган. Ҳозирги вақтда МТС келгуси йилда мўл ҳосил етиштириш учун тупроқни ўртоқ Мальцев таклиф этган усулда ишламоқда.

— Биз шунинг учун курашамизки, — деди ўз сўзининг охирида ўртоқ Муҳамедьянов, — МТСимиз хизмат қилаётган ҳамма колхозлар 1955 йилда виставкада қатнашсин.

Литва ССР Калвари районидаги «Тарибу Летува» номли миллионер колхоз кўптормоқли хўжаликдир. Колхоз зигир, қанд лавлагидан юқори ҳосил олмоқда, чорва моллари сонини кўпайтирмоқда, уларнинг наслини яхшиламоқда.

Бу йил колхоз экин экиладиган ҳарбир гектар ердан 800 сўмгача даромад олган. 1955 йилда колхозчилар ҳар гектар экин еридан 1000 сўмдан даромад олмоқчилар. Колхоз раиси ўртоқ Л. Статулявичус ана шу ҳақда сўзлаб берди.

— Виставкада қатнашаётган энг яхши хўжаликларнинг бой тажрибасидан фойдаланиш, — деди у, — экин экиладиган ҳар гектар ердан олинадиган даромадни кўпайтиришимизга ёрдам беради.

Учрашувда Киев область Обухов районидаги Шевченко номли колхознинг раиси А. Матвеенко, Татаристон АССР Тулачи МТСининг бош агрономи М. Содиқов, Эстония Коммунистик партияси Тюри район комитетининг секретари Л. Румбах ва бошқалар сўзга чиқиб ўз колхозлари ва МТСларининг муваффақиятлари ҳақида, виставкада кўрган яхши тажрибалардан қандай фойдаланажаклари тўғрисида сўзлаб бердилар.

ДОСААФ бошланғич ташкилотларида ҳисобот ва сайлов

Кўпгина шаҳарларда армия, авиация ва флотимизга ёрдам беручи кўнгилли жамиятнинг бошланғич ташкилотларида ҳисобот ва сайлов бошланди. Ҳисобот ва сайлов мажлисларида бир йил ичида қилинган ишларнинг якунлари тўпланмоқда ва ДОСААФнинг ишларини янада яхши йўлга қўйиш тадбирлари белгиланмоқда.

«Ҳисобот-сайлов йиғилишлари ва конференциялар 1955 йил 1 январьгача давом этади.

Шу йилнинг биринчи ярмида СССР ДОСААФнинг бошланғич ташкилотларида 366 мингдан ортиқ доклад, лекция ва суҳбат уюштирилди. Досаафчилар 400 та шлюпка походлари ва мусобақалари, 1.000 та оммавий сузиш мусобақалари ўтказдилар. Неча юз минглаб кишилар чавандозлик, мотоцикл, автомобиль, самолёт, планер, парашют, авиамодель ва спортнинг бошқа турлари юзасидан ўтказилган мусобақаларда қатнашдилар. Шу давр ичида шаҳар ва қишлоқларда ДОСААФнинг саккиз мингга яқин янги бошланғич ташкилотлари тузилди. (ТАСС).

Пахта терими қизитиб юборилди

СТАЛИНОБОД, 9 октябрь. (ТАСС). Тожикистон колхоз ва совхозлари тайёрлаш пунктларига ҳар куни ўтган йил октябрининг ҳар кунидагига нисбатан икки марта кўпроқ пахта топширмоқдалар.

Регар районидаги Киров номли колхознинг а'золари катта муваффақиятларга эришдилар. Бу колхозда бир мингга яқин теримчи ҳар куни 200—250 килограммдан пахта териб, 2—2,5 норма бажармоқда. Теримчилардан Суярқулова, Шокирова, Бутаева ва бошқа кўп кишилар яқинда мавсум нормасини уч ҳисса ортдириб бажариб бўладилар.

Пахта териш машиналарининг ҳайдовчилари меҳнат унумини оширишда намуна бўлдилар. Шахринов МТСининг механиги Набишонов кундузги пайтларда агрегат бункерини 20 марта пахта блан тўлдирмоқда. У ҳар сменада ўрта ҳисобда 5,5 тоннадан пахта термоқда.

УЗБЕКИСТОН ССР НИНГ 30 ИЙЛЛИГИ ОЛДИДАН

Ўзбекистонда Улуғ Октябрь Социалистик революциясининг ғалабаси

Октябрь Социалистик революцияси мамлакатимиз халқларини, шу жумладан ўзбек халқини социал ва миллий зулмдан абадий озод этди, ўзбек халқи тарихида янги ва порлоқ саҳифа очди.

Мамлакатимиздаги барча халқлар каби Ўзбекистон меҳнаткашлари социал ва миллий зулм кишанларини парчалаб ташлаб, озодликка эришиш учун олиб борган ўз курашида рус пролетариатидек ишончли ва доно раҳбарга эга бўлдилар.

Мамлакатимиз барча халқларининг раҳбари — Коммунистик партия чоризмга ва капитализм қуллигига қарши курашда Россиядаги барча миллат ишчиларини бирлашишга чақирди, миллатларнинг ўзибелгилаш ҳуқуқларини қаттиқ туриб, изчиллик блан амалга оширди.

1917 йил февралида Россия ишчилар синфи Коммунистик партия раҳбарлигида эски чор режимини ағдариб ташлади. Мамлакатда революцион қўзғолон ва янги революцион ҳокимият органларига айланган ишчи ва солдат депутатлари Советлари юзага келди. Россиянинг марказий районларида юзага келган Советлар қаторида чекка ўлкаларда ҳам ишчи ва солдат депутатлари Советлари пайдо бўлабошлади.

1917 йил 2 мартда Ўрта Осиё темир йўли бош устаханаларининг ишчилари ўлка тарихида биринчи бўлиб ишчи депутатлари Советларини сайладилар. Ўрта Осиё темир йўли бош устаханаларининг ишчилари ўша даврда Туркистондаги революцион ҳаракатнинг ривожланиб боришида бош рольни ўйнадилар. Улар орасида социалистик революция ғалабаси учун актив курашган А. Першин, Н. Шумилов ва бошқа щулар каби ишчи-коммунистлар ҳам бор эди.

Чор монархияси ағдарилиб ташлангандан сўнг ҳам Туркистондаги мазлум меҳнаткаш омма бошидан қулфат аримади. Чоризм ўрнига ҳокимият тепасига келган буржуа Муваққат ҳукумати миллий зулмни бартараф этмади. Чор самодержавиеси ағдарилиб, орадан бир ой ўтгач, энг сўнгги генерал-губернатор Куропаткин бошчилигидаги эски монархия вакиллари ўрнини буржуа Муваққат ҳукуматининг Туркистон комитети эгаллади. Муваққат ҳукуматнинг Туркистон комитети даврида ҳам ўлка Россия империализмининг мазлум чекка ўлкаси бўлиб қолаверди. Буржуа Муваққат ҳукумати халққа қарши сиёсат ўтказди, буржуа-помещик синфлар ҳукмронлигини сақлаб қолишга интилиб, империалистик урушни, миллий зулмни давом этдирди.

Коммунистик партия контрреволюцион Муваққат ҳукуматнинг халққа қарши сиёсатини фош қилиб ташлади, буржуа ҳукумати халқларга тинчлик ҳам, нон ҳам, озодлик ҳам бераолмаслигини меҳнаткашларга тушунтириб берди.

Революция душманлари, буржуазия малайлари, эсерлар ва меньшевиклар ишчи ва солдат депутатлари Советларига кўплаб суқулиб кириб олган эдилар. Ўз составининг кўпчилиги революция сотқинларидан иборат бўлиб қолганлиги сабабли Туркистон ўлка Совети очиқдан-очиқ контрреволюцион лагерьга ўтиб кетди.

1917 йил 28 августда Тошкент темирйўлчилари Корнилов фитнасига жавобан ўз митингларида бутун ҳокимиятни Советларга беришни талаб қилиб резолюция қабул қилдилар.

1917 йил 12 сентябрь куни Тошкент шаҳридаги собиқ Александров паркида коммунистлар бошчилигида 6 минг киши қатнашган катта митинг бўлиб ўтди. Митингда шаҳарда юз берган озиқ-овқат танқислиги муносабати блан иқтисодий масалаларнинг кўтарилиши блан, ҳокимият тўғрисидаги сиёсий масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Митингда Ўрта Осиё ва Тошкент темир йўлларининг ишчилари, 1-ячи ва 2-ячи Сибирь ўқчи запас полкларининг солдатлари, шаҳар ҳунармандлари, корхона ишчилари ҳамда «эски шаҳар» меҳнаткашлари иштирок этдилар. Митинг қатнашчилари коммунистлар томонидан таклиф этилган резолюцияни бир оғиздан қабул қилдилар. Резолюцияда келтирилган талаблар қаторида маҳсулот ишлабчиқариш ва уни тақсимлаш устидан тўла ишчи контроли ўрнатилиши, банкларнинг национализация қилиниши, барча ерларнинг меҳнаткаш деҳқонлар қўлига бепул ўтиши, бутун ҳокимиятнинг ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советлари томонидан олиниши ҳамда муросасозлардан иборат бўлиб қолган Ўлка Советини тезда қайта сайлаш каби талаблар ҳам кўрсатилган эди.

Митингда Муваққат революцион комитет сайланди. Бу комитет 13 — 15 сентябрь давомида чинакам ҳокимият сифатида иш олиб борди. Брок комитетининг эсер-меньшевик раҳбарлиги ҳокимиятни мустаҳкамлаш учун тадбирлар кўрмаганлиги натижасида Ревком фаолияти издан чиқди.

Контрреволюцион ўлка Совети барча Советларни Тошкент Ревкомини танимасликка чақирди. Тошкент Совети ижроия комитети ва революцион комитет бунга жавобан ўлка Советини ишдан четлатиш тўғрисида резолюция қабул қилдилар. Тошкент Совети ижроия комитети ўлка Совети функциясини ўз зиммасига олди. Ўлка Совети ўз контрреволюцион фаолиятини давом этдириш мақсадида Фарғона шаҳрига кўчишга қарор қилди.

12 сентябрь воқиалари омма орасида коммунистларнинг катта обрў ва та'сирга эга эканликларини кўрсатди. Коммунистлар раҳбарлигида ишчи ва солдатларнинг революцион ҳаракати тўхтовсиз ўсиб борди.

«Исёнкор шаҳар»ни осойишта қилга келтириш учун Керенский томонидан генерал Коровиченко бошчилигида жазо отрядининг юборилиши меҳнаткашларни янада ғазаблантирди. 1917 йил 20 сентябрьда коммунистларнинг чақириғи блан Тошкент ишчилари жазо экспедициясининг юборилишига қарши норозилик белгиси остида умумий стачка э'лон қилдилар. Тошкентда ҳарбий ҳолат жорий қилинди, митинглар, намойишлар ўтказилмаи этилди. Муваққат ҳукуматнинг Туркистон комитети буйруғи блан ишчи ва солдат депутатлари Советининг органи — «Наша газета» ёпиб қўйилди.

24 сентябрьда Тошкентга Коровиченконинг жазо отряди кириб келди. Жазо отряди революцион ҳаракатнинг оммавий тусга кирганлигидан чўчиб, уни очиқдан-очиқ бостиришга жур'ат қилмади. Коммунистларнинг актив тушунтириш ишлари олиб борганликлари натижасида жазо экспедициясининг солдатлари революцион кучларга хайрихоҳлик кўрсатабошладилар. Шаҳарда умумий забастовка 26 сентябрьгача давом этди. 1917 йил сентябрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган воқиаларга партия Марказий Комитети юқори баҳо берди. И. В. Сталин Тошкентда бўлиб ўтган воқиалар ҳақида, «Муваққат ҳукумат агентларининг контрреволюцион найрангларига қарамай, тошкентлилар ўз революцион бурчларини шараф блан ўтадилар», деб ёзган эди.

Советлар ҳокимияти учун олиб борилган курашда Туркистон ва Россиянинг мазлум халқлари ўртасидаги дўстлик мустаҳкамланди. Революцион воқиаларнинг ривожланиб борши улуғ рус халқининг ёрдамисиз, Туркистоннинг мазлум халқларига озодлик йўлини кўрсатиб берган доно Коммунистик партиянинг раҳбарлигисиз маҳаллий ва мустамлакачи эксплуататорлар зулмидан қутилиш мумкин эмаслигини яққол кўрсатди.

Партия Марказий Комитетининг кўрсатмаларига амал қилиб, Туркистон коммунистлари қуролли қўзғолонга ҳозирлик кўрабошладилар.

1917 йил 27 октябрьда Туркистонга Октябрь қуролли қўзғолонининг Петроградда ғалаба қозонганлиги тўғрисидаги хабар етиб келди. 28 октябрьда эрта блан соат 8 да Тошкент ишчилари ва солдатлари коммунистлар раҳбарлигида ўз золимларига қарши қўзғолон кўтардилар. Янгидан тузилган Ревком қуролли қўзғолонга раҳбарлик қилди. Ўзбек камбағаллари — ишчилар, ҳунармандлар, ўз устозлари — рус пролетарлари блан бир сафда туриб, Советлар ҳокимияти учун кураш олиб бордилар.

Беш кунлик қаттиқ жанглардан сўнг, 1917 йил 1 ноябрьда Туркистон меҳнаткашлар оммаси рус пролетариатининг вазифалар блан бир қаторда, ўлка тарихий тараққиёти блан боғлиқ бўлган вазифалар турар эди. Социал-иқтисодий муносабатлар соҳасида феодал ва капиталистик хўжалик сарқитларини тугатиш, саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, иқтисодий қолоқликни тугатиш ҳамда тараққиётнинг капиталистик босқичини қолдириб, янги социалистик хўжалик куртакларини вужудга келтириш вояга етказиш вазифаларини амалга ошириш зарур эди. Сиёсий муносабатлар соҳасида эса, ишчилар синфининг раҳбарлик ролини, унинг деҳқонлар блан иттифоқини мустаҳкамлаш, ағдариб ташланган эксплуататор синфларнинг қаршилигини синдириш, мамлакат мудофаасини уюштириш, феодал, бой ва капиталистик элементларни батамом тугатишга замин ҳозирлаш, бошқа халқлар блан чинакам миллий тенгликни амалда та'минлаш, кўпмиллатли совет давлати бағрида ишчи ва деҳқонларнинг бирлашган ўзбек миллий социалистик давлатини барпо этиш вазифаларини ҳал этиш зарур эди. Бу вазифаларнинг ҳаммаси Коммунистик партия раҳбарлигида, рус халқи ёрдами блан ҳал этилди.

Коммунистик партия кўпмиллатли Совет давлати составидаги барча миллатлар ва халқлар, миллий гуруҳлар учун сиёсий ва ҳуқуқий формаларни аниқлаб берди. Бу формалар совет автономияси ва совет федерациясидир.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати ленинча-сталинча миллий сиёсат принципларига таянган ҳолда, Октябрь революциясининг ғалабасидан сўнг, дарҳол ана шу вазифаларни амалга оширишга киришди.

1918 йилнинг апрелида Советларнинг 5-ячи Туркистон с'езди томонидан Туркистонда Совет автономияси э'лон қилинди. Бу—совет миллий сиёсатининг жуда йирик ғалабаси бўлди. Туркистон автоном республикаси РСФСР составига кирди, Қорақалпоқ автоном области эса Қозоғистон ССР составига кирди.

Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланишининг муваффақиятли равишда ўтказилиши Коммунистик партиянинг ленинча-сталинча миллий сиёсатининг зўр тарихий ғалабаси бўлди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси I с'езди ва Ўзбекистон Советларининг 1925 йил февралида бўлиб ўтган I с'езди Ўзбекистон ССР тараққиётида катта аҳамиятга эга эди. Бу с'езларда Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг қўлга кўринган жамоат арбоби М. И. Калинин иштирок этди. Ўзбекистон Советларининг I с'езди Ўзбекистон ССРнинг ташкил этилганлиги тўғрисида декларация қабул қилди. Декларацияда Ўзбекистон ССРнинг СССР составига ўз ҳоҳиши блан киргаплиги алоҳида уқтирилган эди.

Ўзбекистон ССР ташкил этилгач, саноатни, қишлоқ хўжалигини, айниқса пахтачиликни, ирригацияни, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш ишларини юксалтириб юбориш юзасидан катта тадбирлар амалга оширилди.

Босмачилик ҳаракати тор-мор келтирилгач, бундай тадбирлар яна ҳам кенгроқ кўламда ўтказилабошланди. Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг кундалик зўр ғамхўрликлари туфайли Ўзбекистон ССР ҳарёқлама ривожланаборди.

Улуғ Октябрь революцияси ўзбек халқининг барча моддий ва ма'навий кучларининг гуллаб-яшнаши учун имкониятлар яратиб берди. Ўзбекистонда қисқа вақт ичида сиёсий, хўжалик ва маданият соҳасида амалдаги қолоқликка барҳам берилди. Ўтмишда деярлик бирорта ҳам саноат корхоналарига эга бўлмаган Ўзбекистонда йирик социалистик индустрия барпо этилди, примитив қуроллар блан иш кўрган кўпсонли майда якка хўжалик деҳқончилиги ўрнига ҳозирги замон машиналари блан қуролланган қудратли социалистик қишлоқ хўжалиги юзага келди.

Улуғ Ватан уруши ва урушдан сўнгги даврдагина Ўзбекистон ССРда 500 дан ортиқ саноат корхоналари ишга туширилди. Республика оғир саноати ишлабчиқарётган маҳсулот миқдори саноат ялпи маҳсулотининг 50 процентини ташкил этади.

Республикада 2640 та йириклаштирилган, кўптармоқли колхозлар мавжуддир. Ўзбекистон ССР Совет Иттифоқининг асосий пахта базаси ҳисобланади.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистонда чинакам маданий революция амалга оширилди. Революциядан бурун Ўзбекистон ақолиси саводсиз эди. Эндиликда Ўзбекистон ССР ёппасига саводхонлар республикаси бўлиб қолди.

Республикада 36 олий ва 96 ўрта махсус ўқув юртлари ишлаб турибди. Уларда меҳнаткашларнинг 80 минг ўғил ва қизлари та'лим олмоқда. Олий ўқув юртларида 3 мингдан ортиқ илмий ходимлар, шу жумладан 1500 фан кандидатлари ва 200 фан докторлари ишламоқдалар. Республика пойтахти — Тошкентда 23 та илмий-текшириш институтларига ва 600 илмий ходимга эга бўлган Фанлар Академияси ишлаб турибди.

Ўзбек халқи тақдирида, шунингдек мамлакатимизнинг барча халқлари тақдирида улуғ рус халқи буюк роль ўйнади. Рус халқининг ўзбек халқига сиёсий, хўжалик ва маданият соҳасида кўрсаттан оғаларча ёрдами жуда зўр аҳамиятга эга бўлди.

Совет ҳокимияти йилларида ўзбек халқи эришган барча ютуқлар Коммунистик партиянинг доно ленинча-сталинча миллий сиёсати туфайли қўлга киритилди, тенгҳуқуқли совет халқлари дўстлигининг буюк қудрати туфайли қўлга киритилди. СССР халқлари дўстлиги кўпмиллатли Совет давлати енгилмас қудратининг манба'идир, совет республикалари гуллаб-яшнашининг гаровидир.

Улуғ Ватан уруши йиллари бу дўстликнинг ҳаётий ва асло енгилмас куч эканлигини яққол намойиш қилди. Шу буюк куч туфайли Совет халқи доно Коммунистик партия раҳбарлигида барча душманлар устидан ғалаба қозониб келди ва бу дўстлик мавжуд бўлар экан, бундан сўнг ҳам ғалаба қозонади.

Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллиги ўзбек халқининг социалистик Ватанга бўлган зўр муҳаббатини, пролетар интернационализми байроғига, Коммунистик партиянинг енгилмас ишига содиқлигини яна бир марта намойиш қилади.

А. А'ЗАМХУЖАЕВ,
Ш. ЎРАЗАЕВ,
юридик фанлар кандидатлари.

Чирчиқ шаҳридаги электрохимия комбинатининг 8-ячи болалар боқчасида болалар яхши тарбияланмоқда. Улар дам оладиган уйлар ёруқ, озода ва шинам.

В. Салов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси).

Областимиздан

Ғишт қуйиш процесси механизациялаштирилди

Тошкент район саноат комбинатининг дирекцияси қурилишларни пишиқ ғишт блан та'минлаш, заводнинг қиш мавсумида ҳам самарали ишлашни давом этдириш тадбирларини амалга оширмоқда. Шу мақсад блан заводга ғишт қуядиган машина ўрнатилиб ишга туширилди. Машина движок ёрдами блан ишлаб, соатига 1 минг ва ундан кўпроқ хом ғишт тайёрлаб чиқаради. Бунинг натижасида пишиқ ғишт тайёрлаш сур'ати тезлашиб, таннархи арзонлашади.

Туғруқхона учун бино

Орджоникидзе район, Киров қишлоқ советидаги юқори ҳосилли Молотов номли колхозда жамоат ва ўй-жой бинолари қурилиб, қишлоқ тобора обод бўлиб бормоқда.

Колхозда яқинда болалар боғчаси, туғруқхона учун кўпхонали янги бинолар қурилди. Туғруқхонада кроватьлар кўпайтирилди ва унинг хоналари яхшилаб безатилди.

МТС маркази обод бўлмоқда

Калинин районидаги машина-трактор станциясининг дирекцияси клуб, агитпункт учун янги бинолар қурган эди. Ҳозир МТС механизаторларидан 19 киши якка тартибда кўпхонали уй қурмоқдалар. МТС бош инженери Петров, участка механиги Турсунбоев, электрпайвандчи Саидрасулхўжаев ва бошқа механизаторлар Улуғ Октябрь революциясининг шонли 37 йиллик байрамигача янги уйларга кўчиб кирадилар.

Умумий овқатланиш корхонаси учун янги бинолар

Чиноз район матлубот союзи Вревск посёлкасида ошхона учун биринча хонали катта бино қурди. Шундай бино Тошкент район, Чоштепа қишлоғи марказида ҳам қад кўтарди. Ошхона 2-ячи МТС механизаторларига хизмат кўрсатади.

Ш. КУЗАНБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

Клубларнинг корхоналар блан алоқасини мустаҳкамлайлик

Оҳангарондаги барча йирик саноат корхоналари ўз ишчи клубларига эга. Бундан ташқари шаҳарда кўмир разреза ва 9-ячи шахтанинг қишлоқ ва ёшлик клуби ҳамда Маданият уйи томонидан яқинда фойдаланишга қабул қилиб олинган «Шахтёр» клуби бор. Шаҳар қурувчиларига эса икки клуб хизмат қилмоқда. Аммо маданият ўчоқларининг бу тармоқлари корхоналардан ажралган ҳолда ишламоқда ҳамда ишлабчиқаришнинг актуал вазифаларини ҳал этишда кончилар ва қурувчилар коллективига ёрдам бермаётир.

Масалан, «Шахтёр» клуби (мудири ўртоқ Шустер) кончиларга ҳеч қандай маданий хизмат кўрсатмаётир. Унинг фойэ ва тамошо залининг деворларида эски шиор ва плакатлар осиб қўйилган, аммо кончиларни янги муваффақиятларга ундовчи ва янги меҳнат зафарларига руҳлантирувчи шиор ва плакатлар йўқ.

«Шахтёр» клубининг правленнеси бу йил илғор иш тажрибаларини олмаштиришга бағишланган бирорта ҳам кеча ўтказмади. Ҳолбуки, клубда бундай тадбирларни амалга ошириш учун кенг имкониятлар мавжуд. 9-ячи шахтанинг фахрий шахтёри ўртоқ Иван Братерский конвейерларни кўчиришнинг жадал методини топди, бу блан у ана шу операцияга авваллари сарфланган вақтни икки баравар қисқартиришга муваффақ бўлди. Лекин ўртоқ Братерскийнинг илғор иш методи корхоналарда ишлабчиқаришга жуда сусткашлик блан жорий қилинмоқда. Клуб правленнеси эса бу методни кенг кўламда оммалаштириш тўғрисида мутлақо ўйламаётир.

«Шахтёр» клуби қималар блан шуғулланмоқда? Клуб ходимлари фақат кинофильмлар кўрсатиш, танца кечалари уюштириш, ах'ён-ах'ёнда бадиий ҳаваскорларнинг концертларини ташкил этиш блангина кифояланиб қолмоқдалар. Оҳангарон қурилиш ҳодимларининг кўп сонли коллективига хизмат қилаётган «Строитель» клубида (мудири ўртоқ Хан) ҳам худди шундай аҳволни кўрасиз. Клубдаги виставка ва витриналарда ишлабчиқариш илғорларининг портретларини ва энг яхши бригадалар, қурилиш участкаларининг ишлари ҳақидаги ма'лумотларни учратаолмайсиз.

Шу кунларда шаҳардаги қурилиш майдонларида Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллиги ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллиги байрами шарафига бошланган социалистик мусобақа жуда қизғин тус олди. Ўртоқ М. Не'матжонов бошлиқ ғишт теручилар ва ўртоқ А. Ровенков бошлиқ дурадгорлар бригадалари биноларни тез ва сифатли қуришнинг янги усулини қўлладилар. Брок «Строитель» клубида бу икки илғор бригаданинг ишларини оммалаштиришга мутлақо э'тибор берилмаётир. Шунингдек, ишлабчиқариш ва техника темаларида лекция ва докладлар уюштирилмаётир.

Кейинги пайтда Оҳангарон шаҳар корхоналарида меҳнат интизомининг бузилиш ҳоллари ҳам рўй бермоқда. Ба'зибир шахтёрлар ва қурувчилар ўртасида ичкиликка берилиш ҳоллари юз бермоқда. Клубларнинг ходимлари эса бундай ярамас ҳолга бефарқ қарамоқдалар, снёсий-тарбиявий ишларни йўлга қўйиш тўғрисида жиддий ўйламаётирлар.

Ишчи клубларининг а'золари ўзлари хизмат қилаётган корхоналар коллективи блан яқиндан алоқа қилмасалар, уларнинг кундалик ҳаёти блан ҳамнафас бўлмасалар самарали иш олиб боролмайдилар. Ишлабчиқаришдан ажралиб қолиш — илғор иш методларининг пропагандисти бўлишдан четлашиш, клубнинг тарбиявий ролини йўққа чиқариш демакдир. Бу жиҳатдан қараганда Оҳангарон шаҳридаги ишчи клублари ишлабчиқаришдан бутунлай ажралиб қолганлар. Корхоналар ўз ҳолича, клублар ўз ҳолича ишламоқдалар. Шунинг учун ҳам шаҳар кончилари, қурувчилари, цементчилари ўз клубларига қизиқиш блан қарамаётирлар ва бу клубларга камдан-кам келадилар.

«Шахтёр» ва «Строитель» клублари сўнгги вақтларда ёшларнинг биринча кечаларини ўтказди. Аммо бу кечаларнинг программаларида корхоналарнинг ишлабчиқариш ҳаёти ўз ифодасини топмади.

Шаҳар ижроия комитетининг маданият бўлими (мудири ўртоқ Қосимова) ва кўмир саноати ишчилари касаба союзининг район комитети (раиси ўртоқ Снапок) клублар ишига оператив раҳбарлик қилмаётирлар. Шу кунгача клуб ходимларининг бирор марта семинари ва кенгаши ўтказилмаганлиги бунинг яққол далилидир.

Шаҳар маданият бўлими ва касаба союз район комитети томонидан клублар иши устидан контрольлик ўрнатилмаганлиги сабабли клуб ходимлари ишлабчиқаришдан ажралиб қолмоқдалар, корхоналарнинг коллективларига намунали маданий хизмат кўрсатмаётирлар, ишлабчиқаришнинг актуал масалаларини ҳал этишда уларга ёрдам бермаётирлар.

Шаҳар партия комитети ҳамда унинг пропаганда ва агитация бўлими ишчи клубларига э'тиборни кучайтиришлари, бу соҳадаги мавжуд хато ва камчиликларни тезда тугатиб, барча клублари корхоналар ишлабчиқариши блан яқиндан алоқада бўлиб ишлашларига эришишлари зарур.

Е. ГОДОВИКОВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

„Медицина хизмати яхшилансин“

Газетанинг шу йил 4 август сонида юқоридаги сарлавҳа остида редакция почтасидан материал берилиб, унда Сирдар'ё район Каганович номли колхозидаги медицина пункти колхозчиларга яхши хизмат қилмаётгани, фельдшер ўртоқ Эгамбердиев ўз вазифасига ўтакетган даражада мас'улиятсизлик блан қараб келгани кўрсатилган эди.

Сирдар'ё район соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири ўртоқ Холиқовнинг редакцияга хабар қилишича, текшириш натижасида газетада кўрсатилган фактлар тўла тасдиқланган. Медицина пунктининг фельдшери Х. Эгамбердиев меҳнат интизомини бузгани ва колхозчиларга ўз вақтида медицина ёрдами кўрсатмагани учун ишдан бўшатилган ҳамда медицина пунктининг ишини яхшилаш чоралари кўрилган.

Босилмаган хабарлар изидан

«Тошкент ҳақиқати» газета редакциясига келган хатларнинг бирида Октябрь район Сағбон кўча иккинчи тупиқда ёз кунлари ҳам ифлос сувлар тўпланиши, айниқса ёғингарчилик вақтларида йўловчиларнинг, жумладан кекса ва болаларнинг қийналаётганликлари кўрсатилган эди. Редакция фактларни аниқлаш ва чора кўриш учун хатни меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Октябрь район Совети ижроия комитетига юборган эди.

Октябрь район коммунал хўжалик бўлимининг бошлиғи ўртоқ Норматовнинг редакцияга хабар қилишича, текшириш натижасида хатда келтирилган фактлар тўғри чиққан, 1-ячи шаҳар касалхонаси боғидан ўтадиган сувни қувур орқали иккинчи тупиқдан ўтказиш ва кўчага электр чироқлари ўрнатиш тадбирлари белгиланган. Бу иш яқин кунларда амалга оширилади.

Газета саҳифаларидан

УНУМЛИ ИШЛАШГА ҲАММА ШАРОИТЛАР ЯРАТИБ БЕРИЛСИН

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада актив қатнашиб фидокорона ишлаётган «Чирчиксельмаш» заводининг ишчи ва инженер-техник ходимлари қишлоқ хўжалигига кўп машиналар етказиб бермоқдалар. Завод коллективи сушилкалар ишлаб чиқариш юзасидан олган мажбуриятини бир ой илгари бажарди. Заводнинг илғор ишчилари иш вақтининг ҳарбир минутидан тўғри фойдаланиб унумли ишламоқдалар. Д. Халилов ва бошқа ўнлаб ишчилар ҳозирданоқ икки йиллик планни бажариб, 1956 йил ҳисобига маҳсулот бермоқдалар. Лекин айрим ходимларнинг айби блан корхона цехларида иш вақтидан тўғри фойдаланилмаётир. Цехларга детальларнинг ўз вақтида келтириб берилмаслиги туфайли ишчилар 3—4 соатлаб бўш туриб қолмоқдалар.

Чирчиқ шаҳар **«Сталин байроғи»** газетаси бу корхонада иш соатидан фойдаланишга бағишлаб бирқанча ишчиларнинг материалларини босмоқда. Йнгув цехининг фрезерчиси Кузнецов ўзи ишлаётган цех ҳақида бундай деб ёзади:

«Бизнинг цех ишчилари иш вақтидан ва станокнинг қувватидан тўла фойдаланиш туфайли кунлик топшириқни 3—3,5 баравар ошириб бажаришга эришмоқдалар.

Вақтни тежаб, меҳнат унумини тобора ошириб боришда ишлабчиқаришга муҳим янгиликлар киритилиши ҳам катта ёрдам бермоқда. Цехимиз коллективи сентябрь ойида 40 та кўсак чувиш машиналари учун детальлар тайёрлаб бериши керак эди. Цех бошлиғининг ўринбосари ўртоқ Чукуров детальларни жадал усул блан ишлашни жорий қилди. Шу туфайли биз саккиз соатлик иш вақтида илгаригига кўра икки баравар кўп деталь ишлабчиқаришга эришдик».

Брок ба'зи цехларда меҳнатни тўғри ташкил қилинмагани, иш вақтидан унумли фойдаланилмаётганлиги орқасида айрим ишчилар кўп вақт топшириқни бажармаётирлар. Слесарь Иванов, пармаловчи Халилов ва бошқа ўртоқлар ўз мақолаларида детальларни ўз вақтида келтириб туришга аҳамият берилмаётганлигини таққид қилдилар.

— Биз, — деб ёзади мастер ўртоқ Васильчиков, — завод раҳбарлари ва биринчи галда завод асбобсозлик бюросининг ходимларидан (бошлиғи ўртоқ Трупп) асбоб-ускуна ва ўлчов асбобларини тўла етказиб берилишини кўп вақтлардан буён талаб қилиб келмоқдамиз. Шундай бўлса ҳам улар талабимизни бажармаётирлар».

Ишчиларнинг бу ҳаққоний таққидларидан завод дирекцияси ва партия ташкилоти тегишли хулоса чиқариб, ҳарбир цех, смена ва бригаданинг бир ме'ёрда ишлаши учун ҳамма шароитларни яратиб беришлари зарур.

СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ СОҒЛИҒИ УЧУН

Партия, ҳукумат совет кишиларининг соғ-саломат яшаб ижодий меҳнат қилишлари учун ҳамма шароитларни яратиб берган. Кейинги вақтда жуда кўп медицина ходимлари аҳоли учун хизмат қилиб тиббий ёрдамлар кўрсатмоқдалар, кўплаб даволаш муассасалари ишламоқда. **«Янгийўл»** газетаси Янгийўл шаҳрида аҳолига медицина хизмати кўрсатиш тўбдан яхшиланганлигини кўрсатучи материаллар босмоқда.

Шаҳар соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири, республикада хизмат кўрсатган врач ўртоқ Куликовнинг ёзишича Улуғ Октябрь революциясига қадар шаҳарда фақатгина 6 ўринли биргина касалхона бўлиб, унда битта ҳамшира ишлар эди. Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин партия, ҳукумат ишчи ва деҳқонларга медицина хизмати кўрсатишни тўбдан яхшилаб, медицина муассасаларининг сони кўпайиши орқасида аҳоли ўртасида юқумли касалликлар бутунлай йўқотилди.

«1927 йилга қараганда, — деб ёзади ўртоқ Куликова, — шаҳар касалхонасида ўринлар 15 марта кўпайди. Врачлар сони ортди. Ҳозир Янгийўлда 75 врач ва 219 ўрта ма'лумотли медицина ходимлари ишламоқда. Медицина ҳамширалари системали равишда ўз билимларини ошириш ҳаракат қилмоқдалар. Кўпгина врачлар Тошкент, Москва, Ленинград, Киев шаҳарларида малакани ошириш курсларида ўқиб келдилар.

Эндиликда шаҳарнинг ҳамма аҳолиси тиббий назорат остига олинган ва уларга бепул медицина ёрдами кўрсатилмоқда».

Янгийўл шаҳрининг медицина ходимлари касалликларга қарши қат'ий курашмоқдалар. 6 жойда медицина пунктлари ишлаётир. Туғруқхоналар кенгайтирилиши натижасида ҳомиладор хотинларга медицина ёрдами кўрсатиш намунали йўлга қўйилди. Тажрибали врачлар аҳоли ўртасида спиртли ичимликларнинг зарари, тиф, гипертония ва бошқа касалликлар тўғрисида тез-тез лекция ва суҳбатлар ўтказмоқдалар.

СУШИЛКАЛАР ҚУРИШ ТЕЗЛАШТИРИЛСИН

Ўтган йили Ўртачирчиқ райони пахта тайёрлаш давлат планини бажармай давлатдан кўп қарздор бўлиб қолган эди. Бунга асосий сабаблардан бири шу бўлдики, районда терилган пахталарни қуритиш ва пешма-пеш тайёрлов пунктларига топширишга аҳамият берилмади, сушилкалар барвақт тайёрланиб қўйилмагани орқасида етиштирилган мўл ҳосилнинг бир қисми нобуд бўлди.

Ўтган йилги бу жиддий хаталардан райондаги колхозларнинг раҳбарлари ўзлари учун тегишли хулоса чиқариб олмаганликлари орқасида бу йил ҳам янги сушилкалар қуриш, эскиларини ремонт қилиш ишлари турли баҳоналар блан кечиктирилмоқда.

«Мўл ҳосил учун» газетаси районда сушилка қурилиши ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигини та'кидлаб бундай деб ёзади:

«Тошкент область қишлоқ хўжалик бошқармаси томонидан берилган планга мувофиқ, бу йил районимиз колхозларида янгидан 11 та типовой ва битта барабанли сушилка қурилиши керак эди. Лекин кўпчилик колхозларда бу муҳим ишга аҳамият берилмаётир. М. Горький номли колхозда янгидан қурилаётган сушилканинг фундаменти қуриб бўлинган. Аммо район матлубот союзи ва сельхозснабдан қурилиш материаллари ҳалигача ташиб келтирилмаган. Иш бутунлай тўхтаб қолган. Колхоз правленнеси (раиси ўртоқ Н. Ойнақулов) «Ҳали вақт эрта» деб, бу муҳим ишга э'тиборсиз қарамоқда».

Газетанинг хабарига қараганда Ленин номли, Маленков номли, Юсупов номли ва бошқа колхозларда ҳам кўп эски сушилкалар бузилиб ётибди, эскиларни ремонт қилиш, янги сушилкалар қуриш ишига ҳалигача ишчи кучи ажратилмаган. Райондаги колхозларда 26 пахта саройи қуриш ўрнига, фақат 11 та сарой қурилган холос.

ПАХТАКОР ЎРТОҚЛАР! ҒАНИМАТ КУНЛАРНИНГ ҲАРБИР СОАТИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ, БЕЛГИЛАНГАН ГРАФИКНИ ОШИРИБ БАЖАРАЙЛИК!

ИЛҒОР ТЕРИМЧИЛАРГА ТЕНГЛАШИНГИЗ!

Бекобод районидаги Маленков номли колхознинг илғор теримчиси Ботирали Мустафоқулов ўз мажбуриятини шараф блан бажариш учун курашиб, кунига 175—180 килограммдан пахта тераётир.

Суратда: Ботирали **Мустафоқулов.**

Октябрь районидаги Маленков номли колхознинг чевар теримчиси Хосият Нурбекова бу йил 15 тонна пахта терщ мажбуриятини олди. У, кунига 200 килограммгача етказиб пахта терио, 10 кун ичида хирмонга 1800 килограмм пахта топширди.

Суратда: Хосият **Нурбекова.**

Бекобод районидаги Дзержинский номли колхознинг энг яхши теримчиларидан комсомол а'зоси Бибихол Иброҳимова соатлик график асосида ишлаб, кунига 190—200 килограммдан пахта тераётир.

Суратда: Бибихол **Иброҳимова.**

Ховос районидаги Карл Маркс номли колхознинг илғор теримчилари Малик Абдуҳолиқов ва Саттор Элиевлар кунига 150—160 килограммдан пахта тераётирлар.

Суратда: Малик **Абдуҳолиқов** (чапда) ва Саттор **Элиев** ўртоқлар Қ. **Розиқов** фотолари. (ЎзТАГ фотохроникаси).

Пахта териш машиналари ёрдамга келди

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози йиғим-теримнинг дастлабки кунларида белгиланган графикни бажармай, район бўйича орқада қолаётган эди. Бу қолоқликдан тезда қутилиш мақсадида район ва колхоз раҳбарлари пахтани машина блан териш сур'атини янада ошириш тадбирларини белгилаб чиқдилар. МТС дан Содиқов, Смеваков, Каримов, Сулаймонов каби механизаторлар ёрдамга келдилар. Улар Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллиги юбилейи шарафига социалистик мусобақани кенг қизитиб, мавсумда 70 — 100 тоннадан пахта териб бериш мажбуриятини олдилар. Илғор механик-ҳайдовчилар олган ўз мажбуриятларини шараф блан бажариш учун фидокорона меҳнат қилаётирлар.

Сўнгги бешкунликда механик-ҳайдовчилардан Содиқов, Сулаймонов, Каримовлар иш унумини ошириб 11 тоннадан кўпроқ отбор ва биринчи сорт пахта тердилар.

Колхозда меҳнатни ташкил қилиш ишлари ҳам тўғри йўлга қўйилди. Қатнашаётган 163 киши кунига белгиланган графикни 1,5 — 2 ҳиссадан ошириб бажармоқда. Натижада колхоз давлатга пахта топшириш сур'атини бирмунча оширишга эришди.

П. ЕРЕМИН.

Чевар теримчидан намуна олиб

Ўртасарой районидаги Будённий номли колхознинг моҳир теримчиси Оляхон Асқарова ўтган йили 10 минг килограммдан ошириб пахта терган эди. Оляхон бу йил ҳам фидокорона меҳнат қилиб, камида 15 минг килограмм пахта териш учун астойдил курашаётир. У, олган мажбуриятини шараф блан бажариш учун, теримнинг биринчи кунларидан бошлаб белгиланган графикни ортиғи блан бажармоқда.

Оляхон терим сур'атини кундан-кунга ошириб ҳозир 200—230 килограммдан пахта теришга эришаётир. Оляхоннинг бу ютуқларидан намуна олган Ўлмасхон Қурбонова, Қаршигул Жўлдибоева каби теримчилар кунига 170—200 килограммга етказиб пахта термоқдалар.

А. ҚАБДУЛОВ.

Меҳнатни ташкил қилиш яхшиланмоқда

ОҚҚЎРҒОН, (ЎзТАГ). Оққўрғон районининг колхозлари бригадалараро хирмонлар ташкил қилишга Ўзбекистонда биринчи бўлиб киришдилар. Бу тадбир пахтани қуритиш ва тайёрлаш пунктларига топшириш вақтида меҳнат сарфлашни анча камайтиради. Ҳозирги вақтда пахтакорлар йиғим-терим сур'атларини тезлаштириш имкониятларини топиб, йиғим-терим ишларини ташкил қилишни тобора яхшиламоқдалар.

Карл Маркс номли колхоз а'золари бу соҳада қимматли ташаббусни бошлаб бердилар. Илгари колхознинг ҳарбир бригадаси алоҳида майдончага эга бўлиб, пахтани қуритиш, саралаш ва қоплаш ишларини мустақил равишда олиб борар эди. Фақат автотранспорт бирлаштирилган эди. Эндиликда колхоз правлениеси битта умумий хирмон жойи ташкил қилиб, бир группа ходимлар ажратиб қўйди. Бу ходимлар бригадалардан келтирилган пахтани қабул қилиб оладилар, пахтани қуритиш ва тайёрлаш пунктига жўнатиш ишларини бажарадилар. Шунингдек, бригадаларнинг ишчи, терим машиналарини аниқлаш, ишларини ташкилотлаштириш ишлари ҳам шу хирмонга юборилмоқда.

Ҳозирги вақтда Оққўрғон районидаги 12 колхозда 1500 гектар пахтанинг 1000 гектаридан ортиғи машина блан терилмоқда. Ҳар бир машина ишини ташкилотлаштириш, ишчи ва машиналарнинг ишини ташкилотлаштириш ишлари ҳам ўз вазифаларини яхши бажармоқдалар. Масалан, Ленин номли колхозда ана шундай ишлар ташкилотлаштирилган. Бу колхозда 10 машина блан пахта теришга 200 ишчи ишлаётир. Ишчилар ва машиналарнинг ишини ташкилотлаштириш ишлари ҳам ўз вазифаларини яхши бажармоқдалар. Ишчилар ва машиналарнинг ишини ташкилотлаштириш ишлари ҳам ўз вазифаларини яхши бажармоқдалар. Ишчилар ва машиналарнинг ишини ташкилотлаштириш ишлари ҳам ўз вазифаларини яхши бажармоқдалар.

Карл Маркс номли колхоз а'золари бу соҳада қимматли ташаббусни бошлаб бердилар. Илгари колхознинг ҳарбир бригадаси алоҳида майдончага эга бўлиб, пахтани қуритиш, саралаш ва қоплаш ишларини мустақил равишда олиб борар эди. Фақат автотранспорт бирлаштирилган эди. Эндиликда колхоз правлениеси битта умумий хирмон жойи ташкил қилиб, бир группа ходимлар ажратиб қўйди. Бу ходимлар бригадалардан келтирилган пахтани қабул қилиб оладилар, пахтани қуритиш ва тайёрлаш пунктига жўнатиш ишларини бажарадилар. Шунингдек, бригадаларнинг ишчи, терим машиналарини аниқлаш, ишларини ташкилотлаштириш ишлари ҳам шу хирмонга юборилмоқда.

Ҳозирги вақтда Оққўрғон районидаги 12 колхозда 1500 гектар пахтанинг 1000 гектаридан ортиғи машина блан терилмоқда. Ҳар бир машина ишини ташкилотлаштириш, ишчи ва машиналарнинг ишини ташкилотлаштириш ишлари ҳам ўз вазифаларини яхши бажармоқдалар.

Коммунист бошлиқ бўлган бригадада

Бўка районидаги Вильямс номли колхоз пахтакорлари Ўзбекистон ССРнинг шонли 30 йиллик юбилейи шарафига бошланган мусобақага қўшилиб пахта теримини янада қизитиб юбордилар.

Коммунист Мамасобир Боботоев бошчилик қилаётган бригада а'золари йиғим-терим ишларини уюшқоқлик блан ўтказиб, колхозда ҳаммадан олдинда бормоқдалар.

Бригада а'золари Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг 1954 йилги пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш тўғрисидаги қарорини юқ баланд руҳ блан муҳокама қилиб чиқдилар.

Бу йил бригада а'золари 70 гектар пахта майдонининг ҳарбир гектаридан 36 центнердан ҳосил олишнинг барча тадбирларини амалга оширдилар.

Ҳозир етиштирилган мўл ҳосилни сра нобуд қилмай тез фурсатда йиғиб-териб олиш учун бутун куч сафарбар қилинган. Чевар теримчилардан Робия Раҳимова, Зебо Деҳқонова, Малика Қурбонқулова ва Меҳри Қосимовалар мавсумда 15 тоннадан пахта териш мажбуриятини олган эдилар. Улар, меҳнат унумини тобора ошириб, ҳозир ҳар куни 200—220 килограммдан отбор ва биринчи сорт пахта теришга эришмоқдалар. Шунинг учун ҳам бригада йиллик планнинг 3—3,5 проценти миқдорида пахта тайёрлаётир.

Бригада а'золари пахта териш сур'атини янада тезлаштириб, 20 октябрьгача йиллик планни тўла бажариш учун астойдил ҳаракат қилаётирлар.

А. АШУРОВ.

Важ ва баҳона изловчилар...

Бекобод районидаги 2-нчи МТС раҳбарлари пахта йиғим-терининг ҳозирги қизғин кунларида ўз вазифаларини яхши бажармаётирлар. Улар колхозларда машина блан пахта теришни тўғри уюштираолмаганлар, айрим бригадаларга берилган машиналарнинг бекор туриб қолишига қарши чора кўрмаётирлар. Масалан, шу МТС зонасидаги Будённий номли колхозда ана шундай аҳвол содир бўлаётир.

Биз шу колхоз далаларида бўлдик. Район партия комитетининг шу МТС зонаси бўйича секретари Исмоилов, МТС бошлағич партия ташкилотининг секретари Собиров, колхоз раиси Холиқулов ўртоқлар бизни колхоздаги ишлар блан таништирди.

Мана, 2-нчи бригаданинг пахта майдони. Пайкалнинг нариги четида Шейн ва Иброҳимов ўртоқлар бошлиқ трактор бригадаларининг 9 та пахта териш машинаси ишламай бекор турипти.

— Хўш, нега машиналарни ишга солмаяпсизлар. — сўрадик механик-ҳайдовчилардан. Улар бепарволик блан:

— Пахта очилишини кутиб ётибмиз. Директоримиз ўртоқ Ҳасанов «Шу ернинг пахтаси қийғос очилгунча кутинглар, ҳечқаерга силжиманглар» деб қайта-қайта тайинлаганлар, — деб жавоб беришди.

— Бошқа бригадаларда очилган пахталар кўп-ку, уларга ёрдам бериб турсанглар бўлмайдими? — сўрадик яна.

— Ахир биз фақат шу бригадага бириктилганмиз, — жавоб берди бир йигит, — бошқа бригадаларга, ўтиш учун рухсат бермайдилар...

Колхоз раисининг таклифи блан Энгельс участкасига йўл олдик. Бу ерлардаги бригадаларда ҳам машиналар унумли ишламаётир. Биз бригада бошлиғи Раимқул Раҳмонов блан суҳбатлашдик:

— Кўриб турибсизларки, — деб гап бошлади у, — пахтамиз яхши очилган. Лекин, териб улгураолмаяпмиз. Чунки, машина етишмаяпти...

— Ўтган куни, — бригадирнинг сўзини бўлди раис Холиқулов, — МТСнинг бош агрономи Қозоқбоев блан шу участкага келган эдик. Мен у кишидан, қўшни участкада бекор турган машиналарни шу ерга келтирсак, деб илтимос қилдим. У киши «Хўп, ўйлаб кўрамиз» дедилару, шу бўйича бедарак кетдилар.—Раис хирмон томонга бир назар ташлаб олдида, сўзида давом этди.—Шу куни, МТСнинг колхозимиз бўйича агрономи Шурпшевга ҳам мурожаат қилдим. У, ҳам «хўп бўлади» дедию, қорасини кўрсатмади. Иккинчи агрономимиз Турсунқул Мирҳошимов бўлса, бу тўғрида бир ўйлаб ҳам кўрмайди.

Раисниг ҳақли талаблари район партия комитетининг МТС зонаси бўйича секретарини ташвишга солиб қўйди. У МТС бошлағич партия ташкилотининг секретари Собировга:

— Сиз тезда бориб, 2-нчи бригадада бекор турган машиналарни шу ерга келтиринг, — деди.

Биз шундан кейин қўшни бригадага ўтмоқчи бўлиб турганимизда қизиқ бир воқиа устидан чиқиб қолдик: ҳалиги 5 та машина блан терилган пахта тортилмасдан бир жойга тўқилаётган эди. Биз Ким Артём бошлиқ 11-нчи, Пак-Кен-гер бошлиқ 12-нчи трактор бригадасининг табельчиси Ғозибековдан:

— Нега пахталарни тортмасдан қабул қилаяпсиз, — деб сўрадик. У бўлса:

— Оворагарчиликни нима кераги бор, тахминан қабул қилабермиз. Барибир «ворох»дан чиққандан кейин тортишга тўғри келади, ана шунда таҳсилмаймиз, — деб жавоб берди.

Ма'лум бўлдики, МТС раҳбарлари машина блан пахта теришни яхши уюштираолмаётганлари каби, механик-ҳайдовчиларнинг меҳнатига ҳам тўғри баҳо бераолмаётирлар. Улар, кишиларни ишга рағбатлантирмайдиган, нотўғри усулдан ҳалигача воз кечмаганлар.

Биз кечқурун колхоз идораси олдида ўртоқ Собиров блан қайта учрашиб қолдик.

— Хўш, — сўради Исмоилов, — машиналардан дарак бўлмади, сизни талқон еб сувга юборадиган экан-ку...

— Қандай қилай ўртоқ Исмоилов, — Собиров ўзини оқлашга урилди, — менинг гапимга ҳечким қулоқ солмади, механик-ҳайдовчилар: «директор бир нарса демагунча жойимиздан ҳеч қаёққа бормаймиз», — дейишади.

Кейин Собиров ҳам, Исмоилов ҳам МТС директорининг ўзбошимчалигидан, бемаслаҳат иш қилишидан, фақат кишиларни ишдан бўшатиш, ишга олиш блан овора бўлиб юрганлигидан зорланиб, сўзлайбошладилар. Директор томонидан шу йилнинг ўзида Будённий номли колхозда 4 марта, «Социализм» колхозида 3, Крупская номли колхозда 4, Ворошилов номли колхозда 3 марта агроном олмоштирилганлигини уларнинг фамилиялари блан айтиб, санаб чиқдилар.

Бу, МТС партия ташкилоти ишининг ёмон аҳволда эканлигини, партиявий-сиёсий ишларнинг бўшашиб кетганлигини, бу эса, пахтани машина блан териш ишига салбий та'сир кўрсатаётганлигини ёркин исботи бўлаолади.

Ана шунинг учун ҳам МТС директори Ҳасанов, бош агроном Қозоқбоевлар кейинги вақтларда Собировни менсимай қўйдилар, ўзбошимчалик блан иш қилишга киришдилар. Меҳнатни тўғри ташкил қилаолмадилар, терим машиналарини бекор турғизиб қўйиб, ишни суст-лаштириб юбордилар.

Район партия комитети ва ижроия комитети 2-нчи МТСда содир бўлаётган камчиликларнинг олдини олишлари, Ҳасанов ва Қозоқбоев каби хотиржам, бепарво раҳбарларга нисбатан чора кўришлари, пахта йиғим-терининг ҳозирги энг мас'улиятли кунларида пахта териш машиналарининг ролига катта аҳамият беришлари керак.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

Қаҳрамонлар колхозида

Сирдар'ё районидаги «Ҳақиқат» колхозининг а'золари ғўзани агротехника қоидаларига мувофиқ қунт блан парвариш қилиб, мўл пахта ҳосили етиштирдилар. Колхоз правлениеси (раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Н. Йўлдошева, бошлағич партия ташкилотининг секретари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Х. Жумабоев ўртоқлар) пахта йиғим-терим ишларини уюшқоқлик блан ўтказмоқда.

Колхозда теримчилар ўртасида мусобақа авж олиб, кўпмингчилар сафи кундан-кунга ўсмоқда. Моҳир теримчилардан М. Йўлдошев, М. Каримова, Т. Каримов, Ф. Валиева, Қ. Кенжаевалар кунига 200—320 килограммдан пахта термоқдалар. Ўртоқ Йўлдошев Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллик юбилейигача 15 минг килограмм пахта териш мажбуриятини олиб, 30 сентябрьгача 5026 килограмм пахта терди. У, кунига 412 килограммгача етказиб пахта термоқда.

«Ҳақиқат» колхозининг пахтакорлари етиштирилган пахта ҳосилининг бир граммини ҳам нобуд қилмай териб олиш учун курашиб, ҳар куни давлатга йиллик планнинг 2,5—3 процентга миқдорида пахта топширмоқдалар. «Ҳақиқат» колхози пахта топширишда Сирдар'ё районида энг олдиндаги колхозлар қаторида бормоқда.

Колхоз а'золари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 37 йиллигини давлатга пахта топшириш планини ошириб бажариш блан қутиб олиш учун бутун куч ва моддий техника воситаларидан унумли фойдаланмоқдалар.

Т. ҲАЙДАРОВ.

„Колхоз радиоузелидан гапирамиз...“

— Диққат қилингиз! Колхоз радиоузелидан гапирамиз... деган таниш овоз барча колхозчилар хонадонига, дала шийпонларига, чойхона ва участкаларга бир зумда тарқалди. Бугун биз сизларни пахта йиғим-теримида олдинда бораётган илғор теримчиларнинг иш тажрибалари блан таништирамиз. Эшитингиз! Микрафон олдида моҳир теримчи ўртоқ Аноргул Айдарбекова.

— Ўртоқ колхозчилар, — Аноргулнинг қўнғироқдек овози участкаларга ўрнатилган радио карнайлари орқали жаранглаб эшитилади,—мен барча пахтакорлар қаторида, далаларимиздаги мўл пахта ҳосилини шу ғаниматкунлардан фойдаланиб, тез кунлар ичида йиғиб-териб олишни ўзимнинг шарафли бурчим деб биламан. Мен, мавсумда 13 минг килограмм пахта териб бериш мажбуриятини олганман. Шу кунгача мажбуриятимдан 5450 килограмм отбор ва биринчи сорт пахта териб топширдим.

Мен бу муваффақиятга қандай қилиб эришдим?! Аввало ишга ўз вақтида келиб вақтида қайтишга одатландим. Бир минутни ҳам бекор ўтказмаслик учун ҳаракат қилдим. Бунинг устига пахтани икки қўллаб териш яхши натижа бермоқда. Шу кунларда звено бошлиғимизнинг маслаҳатига кўра, пахта тераётган эгатларим бошига учта этак ташлаб қўядиган бўлдим. Бу, биринчидан вақтни тежашга, иккинчидан терилган пахталарнинг ифлос бўлмаслигига сабаб бўлмоқда. Ишни ана шундай ташкил қилишим туфайли терим сур'атини оширишга, ҳар куни 220 — 230 килограммдан пахта теришга эришдим...

Радио карнайлари бироз тинчигач, дикторнинг овози эшитилабошлади:

— Ўртоқлар, — деди у, — колхозимизда Аноргул синғари чевар теримчилар сони кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Барча теримчилар уларнинг иш тажрибаларини ўрганиб олишлари керак. Аноргулдан ибрат олган Лола Протапова бугун ўз дугонасига эргашиб, 200 килограмм пахта терди, унинг мавсум бошидан бери терган пахтаси 5000 килограммни ташкил қилади. Шунингдек, Жамила Эсонбекова, Таня Подлетова, Маҳбуба Хусанова, Салима Дадабоева Мамбеталиева, Султонхожиева каби ўзлаб теримчиларимиз ҳам ҳар куни график бўйича белгиланган 80 ўрнига, 150—180 килограммдан пахта ериб, нормани ошириб бормоқдалар. Ўртоқ колхозчилар, — деди у сўзининг охирида, — илғор теримчиларимиздан ибрат олиб, пешона тери тўкиб етиштирилган мўл ҳосилимизни қисқа кунлар ичида йиғиб териб олайлик!..

Колхоз радиоузели ҳар куни неч соат 9 дан бошлаб, пахтакорлар учун ана шундай эшитиришлар, суҳбатлар уюштириб туради. Илғорлар тажрибасини оммалаштириш блан бирга, давгасалар ҳам танқид қилинади. Бригада, звено ва теримчилар ўртасида олиб борилаётган социалистик мусобақанинг натижалари эшитдирилади. Бу эса ўз навбатида терим сур'атини оширишга, социалистик мусобақанинг янада кенг қулоч ёйишига сабаб бўлмоқда.

Колхоз партия ташкилоти радиоузел орқали олиб бораётган оммавий-агитация ишларида илғорлар тажрибасини кенг ёйишга алоҳида э'тибор бермоқда. Колхознинг ўнлаб теримчилари илғорлар тажрибасини ўрганиб, меҳнат унумини тобора ошираётирлар. Улар отбор сорт пахта териб, ўз мажбуриятларини шараф блан бажариш учун курашаётирлар.

Калинин район, Ленин қишлоқ советидаги «Победа октября» колхозининг а'золари бу йил 320 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 30 центнердан ҳосил олиш учун курашмоқдалар. Колхознинг Зия Жўраев, Қосим Йўлдошев ўртоқлар бошлиқ бригада а'золари шу кунгача давлатга йиллик планнинг 50—60 проценти миқдорида, Мофия Ўрозбоева, Мансур Чинтоев бошлиқ звено а'золари эса, 60 — 70 процент миқдорида пахта топширдилар.

Колхозчилар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 37 йиллиги ва Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллиги юбилейини муносиб меҳнат совғалари блан қутиб олиш учун курашмоқдалар.

Ф. УСМОНОВА.

Ўртачирчик райони нима учун колокликдан чиқмаётир?

Шу кунларда Ўртачирчиқ районининг пахта далаларида кўплаб теримчилар ва пахта териш машиналари ишламоқда. Юзаки қараган киши пахта йиғим-терими қизғин бораяпти деб ўйлайди. Бироқ ер бошига келсангиз, бошқа манзарани кўрасиз. Йиғим-теримда мустаҳкам тартиб ва қамжиҳатлик йўқлиги, иш устидан жиддий контроль ўрнатилмаганлиги кишини ранжитади. Колхоз ва МТС раҳбарлари аниқламай туриб, тўғри келган майдонга штурм бошлаганликларини кўрасиз.

Бунга Каганович номли колхознинг ўртоқ Йўлчи Тошматов бошлиқ 1-нчи бригадасида пахта териш машиналари ва теримчилар қандай ишлаётганлигини мисолга келтириш мумкин. Бригада бу йил 85 гектар ерга чигит экиб, ҳар гектаридан 31 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган. Карталарда мажбуриятга яраша мўл ҳосил етиштирилган. Лекин бу ҳосилни пешма-пеш териб олиш яхши йўлга қўйилмаган. Бригада бошлиғи теримчиларни ва машиналарни тўғри келган майдонга юбормоқда. Яқинда дала шийпони яқинидаги ҳали яхши очилмаган пахтазорга 5 машина юборилди, бригада а'золари қишлоқ ичидаги бошқа бир лахтак пахтазорга бориш ҳақида кўрсатма олдилар. Шу блан бригада бошлиғи далада кўринмади. Механик-ҳайдовчилардан беш киши ҳали яхши очилмаган кичик майдонда айланиб юриб вақтни бекорга ўтказдилар. бу ерга яна 3 машина келди ва улар ҳам қаердан пахта териш керакли-гини билмай, кечгача бекор туриб қолди.

Қишлоқ ичидаги ерда пахта тераётган колхозчилар эгат оралаб вақт ўтказдилар. Бу ерга колхоз раҳбарларидан ҳечким келмади. Шу куни бригада пахта териш графигини бажармади, колхоз ҳам мўлжалдан кам пахта топширди.

Биринчи бригададаги аҳвол колхознинг бошқа бригадаларида ҳам содир бўлмоқда. Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти барча куч ва имкониятларни йиғим-теримга тўлиқ сафарбар қилмаётирлар. Пахтанинг ялпи очилганлиги ва йиғим-терининг энг қизғин пайти келганлигига қарамай колхоз шу кунгача давлатга йиллик планнинг 30 процентига яқин пахта топширди. Кундалик пахта тайёрлаш эса бир процент атрофида айланиб юрибди. Колхозчиларнинг кўпчилиги иккинчи даражадаги ишлар блан банд. 1-нчи бригадада 53 кишидан фақат 20 киши пахта тераётир, қолганлари эса хирмонда, йўлда, қишлоқда...

Теримчилар кундалик терган пахталарн учун қанча меҳнат куни олишларини яхши билмайдилар. Ҳатто колхознинг илғор теримчиларидан Ҳафиза Саримсоқова, Умри Жуманова, Нури Тоҳирова ва бошқалар ҳам мавсум бошидан буён қанча пахта терганликларини ва қанча меҳнат куни ишлаганликларини билмайдилар. Бу аҳвол фақат Каганович номли колхоздагина эмас, балки бошқа колхозларда ҳам содир бўлмоқда.

Сталин номли колхоз бултур пахта тайёрлаш планини бажармади. Колхоз ўтган йили нобудгарчиликка йўл қўйганлиги, йиғим-теримни уюшқоқлик блан олиб бормаганлиги туфайли ўз ва'дасини бажараолмади. Бу йил эса бу колхозда яна бўшашувчиликка йўл қўйилмоқда. Колхоз 830 гектар пахта ерининг ҳар гектаридан 28 центнердан ҳосил топшириш учун мажбурият олган. Ҳозир колхознинг 590 а'зоси ва 12 пахта териш машинаси йиғим-теримда қатнашмоқда. Бу катта куч кўп ишни бажариши мумкин. Лекин бу колхозда ҳам терим сур'ати паст. Колхоз ҳозиргача йиллик планнинг фақат 20 процента миқдорида пахта топширди.

Колхозда бригадалараро социалистик мусобақа кучайтирилмаганлиги сабабли, қолоқликка йўл қўйилмоқда, пахта тайёрлаш кўрсаткичлари тобора пасайиб кетмоқда. Ўртоқ Эрмат Расулев бошлиқ 1-нчи бригада йиллик планнинг 11 процента, 2-нчи ва 4-нчи бригадалар эса 12—15 процентдан пахта топшириб, шармандаларча орқада қолмоқдалар.

Колхоз далаларида пахта ялпи очилган. Ҳозир ҳар куни 2—3 процент миқдорида пахта тайёрлаш имконияти бор. Колхозда пахта териш машиналари ишламоқда, мактаб ўқучилари ва қишлоқ аҳолиси йиғим-теримда ёрдам кўрсатмоқда. Бироқ меҳнат тўғри ташкил этилмаганлиги ва йиғим-терим ишлари устидан жиддий контроль ўрнатилмаганлиги натижасида терим сур'атида ўзгариш бўлмаётир.

Сталин номли колхоз раҳбарлари (раиси И. Назаров ва бошлағич партия ташкилотининг секретари Ю. Дадабоев ўртоқлар) йиғим-терим сур'атини тезлатиш учун барча зарур тадбирларни кўрмаётирлар. Колхоз а'золарининг бир қисми иккинчи даражадаги ишлар блан банд бўлиб юрибдилар. Пахта териш, хирмонга келтириш ва уни тайёрлов пунктига пешма-пеш жўнатиш ишларида қат'ий тартиб ўрнатилмаган. Шу блан бирга дала шийпонларини яхшилаш, колхозчиларга маданий-маиший хизматни кучайтиришда ҳам доимий контрольлик йўқ. Йосин оқсоқ звенолари, звенолари... Колхозчилар терим вақтида овқатланиш учун қишлоққа қатнаб кўп вақтларини бекорга ўтказмоқдалар.

Қуйбишев қишлоқ советидаги Ворошилов номли колхоз (раиси С. Қирғизбоев, бошлағич партия ташкилотининг секретари Т. Назаров ўртоқлар)нинг ватанпарвар а'золари фидокорона меҳнат қилдилар, барча майдонда мўл ҳосил етиштиришга эришдилар. Фидокорона меҳнат туфайли етиштирилган ҳосилни нобуд қилмай йиғиб-териб олишда ҳам ғайрат блан меҳнат қилиш ва зўр уюшқоқлик кўрсатиш талаб этилади .Лекин колхознинг айрим бригадаларида бу ғайрат сезилмайди.

Колхознинг кўпчилик бригадаларида пахтани териш ва пунктга жўнатишда пухта тартиб йўқ. Теримчиларнинг хоҳлаган участкаларида ишлашга йўл қўйилган ва уларнинг қандай ишлаётганликлари устидан жиддий контроль ўрнатилмаган. Айрим колхозчилар пахтани сортига ажратиб термаётирлар, бундай пахталар хирмонга келтирилиб, тозаланмай пунктга жўнатилмоқда. Ўртоқ А. Сарибоев бригадасида 20 қоп пахтани пунктга жўнатиш олдида, унинг ифлослиги аниқланди.

Районнинг бошқа колхозларида ҳам пахта йиғим-терими қониқарсиз аҳволда бормоқда. Ленин номли колхоз (раиси Зокиров, бошлағич партия ташкилотининг секретари Раҳмонов ўртоқлар) шу кунгача 20 процентга яқин пахта топширди. Карл Маркс номли колхознинг пахта тайёрлаш плани ҳам Ленин номли колхозникидан ошмайди.

Ўртачирчиқ районида пахта йиғим-терининг орқада қолишига сабаб нима? Нега район шу кунгача 30 процентга яқин ҳосил тайёрлади, холос. Бунга район, МТС ва колхоз раҳбарларининг «пахтамиз кечикиб очилмоқда» деган нотўғри баҳоналарини важ қилиб кўрсатиш керакми? Асло бундай эмас. Районнинг ҳамма еридан мўл-кўл пахта териб олиш пайти келган. Ҳамма иш — пахтани териш ва давлатга топширишни намунали уюштиришда қолган. Бунинг учун район партия ва совет ташкилотлари МТС ва колхозларга раҳбарликни кучайтириб, ҳамма куч ва воситаларни йиғим-теримга тўла сафарбар этишлари керак.

Н. ЭГАМНАЗАРОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.

Бухгалтернинг бош гаранг,
Графикка қарар аранг.

Теримчилар далада оз.
Ҳайбаракаллачиларга қаранг.

Рассом Н. **Меломед.**

Мусобақадош механизаторлар

Чиноз районидаги Сталин номли колхознинг илғор механизаторлари «Қизил Октябрь» колхозининг механизаторлари блан социалистик мусобақани қизитиб юбориб, яхши натижаларга эришмоқдалар.

Мавсумда пахта териш машинасида 115—120 тоннадан пахта териб бериш мажбуриятини олган Сталин номли колхознинг механик-ҳайдовчиларидан Э. Райимқулов, С. Абдукаримов, Р. Миразимовлар олган мажбуриятларини шараф блан бажариш учун фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Механик-ҳайдовчи Эргаш Райимқулов ғайрат блан меҳнат қилиб, 8 кун ичида 34 тонна отбор ва биринчи сорт пахта териб берди. У, кунига 4800—5100 килограмм пахта териб, кундалик нормани 2,5—3 ҳисса қилиб бажармоқда.

Шунингдек, механик-ҳайдовчилардан С. Абдукаримов, Р. Миразимов ўртоқлар ҳам самарали меҳнат қилиб кундалик нормани 1,5—2 ҳисса бажармоқдалар.

«Қизил Октябрь» колхозининг мусобақадош механик-ҳайдовчиларидан Бозорбой Норматов мавсумда машина блан 120 тонна пахта териб бериш мажбуриятини олган. У ҳам кундалик нормани 2,5—3 ҳисса қилиб бажараётир. Механизаторлардан Искандаров, Исмоилов, Эргашев ўртоқлар ҳам теримда ғайрат кўрсатиб, яхши натижаларга эришмоқдалар.

Ҳар икки колхознинг мусобақадош механизаторлари Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллиги юбилейини муносиб совғалар блан қутиб олиш учун курашиб, меҳнат унумини тобора ошираётирлар.

М. ОРЗИҚУЛОВ.

С. МУМИНОВ.

Совет Иттифоқи Ҳукумат делегациясининг Хитой Халқ Республикасида бўлиши

ПЕКИН, 10 октябрь. (ТАСС). Хитой Халқ Республикасида меҳмон бўлиб турган Совет Иттифоқи Ҳукумат делегацияси Хитойнинг бирқанча йирик саноат ва маданий марказларига борди.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва СССР Олий Совети Президиумининг а'зоси ўртоқ Н. С. Хрушчев (делегация раҳбари), СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ўртоқ Н. А. Булганин, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ўртоқ А. И. Микоян, ВЦСПС раиси ўртоқ Н. М. Шверник, СССР Маданият министри ўртоқ Г. Ф. Александров, «Правда» газетасининг бош редактори ўртоқ Д. Т. Шепилов, КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари ўртоқ Е. А. Фурцева, Ўзбекистон ССР бинокорлик материаллари саноати министри Е. С. Насриддинова ва КПСС МК бўлим мудири ўртоқ В. П. Степановлардан иборат Совет Иттифоқи Ҳукумат делегацияси Наникинга келиб, хитой халқининг улуғ фарзанди Сунь Ят-сеннинг мавзолейини бориб кўрди ва унинг қабрига гулчамбар қўйди.

Шу куни Совет Иттифоқи Ҳукумат делегацияси Хитойда халққа қарши бўлган Чан Кай-ши режими ҳукм сурган вақтда ҳалок бўлган революционерларнинг ўртоқлар қабристонини бориб кўрди ва ўз ватанининг озодлиги учун жонларини фидо қилган қаҳрамонлар хотирасига қурилган ёдгорлик ёнига гулчамбар қўйди.

Шанхайда Совет Иттифоқи Ҳукумат делегацияси портни ва 1-нчи сонли давлат ип-газлама фабрикасини бориб кўрди. Буерда делегация а'золари ишчилар ва инженер-техник ходимлар блан суҳбат қилдилар.

Делегация ҳозирги вақтда Хитой Халқ Республикаси меҳнаткашларининг шифохонаси қисобланган Ханчжоуда бўлди. Делегация а'золари Ханчжоу дам олиш уйларида истироҳат қилаётган ишчилар блан суҳбат қилдилар, энг қадимги хитой маданиятининг ёдгорликларини кўздан кечирдилар.

Кантонда Совет Иттифоқи Ҳукумат делегацияси шаҳарнинг ҳаёти блан танишди, Кантон атрофидаги давлат хўжалигига борди. Бу хўжалик каучукли ўсимликлар, банан ва ананаслар етиштиради.

Ханькоуда Совет Иттифоқи Ҳукумат делегацияси шаҳар блан танишди ва тошқин вақтида шаҳарни сув босиш хавфидан сақлаш учун аҳоли томонидан қилинган ишлар блан танишди.

Совет Иттифоқи ҳукумат делегациясининг Хитой Халқ Республикаси аҳолиси блан, маҳаллий давлат ва партия раҳбарлари блан бўлган учрашувлари ҳамма жойда бениҳоя дўстона ва самимий вазиятда ўтди.

Кечқурун 10 октябрьда Совет Иттифоқи Ҳукумат делегацияси Хитой Халқ Республикасининг пойтахти Пекин шаҳрига қайтиб келди.

Совет Иттифоқи Ҳукумат делегациясининг Германия Демократик Республикасида бўлишига доир

БЕРЛИН, 9 октябрь. (ТАСС). Германия Демократик Республикасининг беш йиллиги байрами муносабати блан ўртоқ В. М. Молотов бошчилигида ҳозирги вақтда Германия Демократик Республикасида меҳмон бўлиб турган Совет Иттифоқи ҳукумат делегацияси бугун Карл-Маркс-штадт округига келди.

Карл-Маркс-штадт округига совет ҳукумат делегацияси блан биргаликда Германия Демократик Республикасининг бош министри ўртоқ О. Гротеволь ҳам келди.

Делегация округдаги корхоналарни, шу жумладан «Висмут» герман-совет акционер жамиятига қарашли корхоналарни кўздан кечирди ва «Висмут» корхоналари ишчиларининг митингида қатнашди. Ўртоқ В. М. Молотов ва ўртоқ О. Гротеволь ишчиларнинг митингида нутқ сўзладилар. Митинг герман ва совет халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш шиори остида ўтди.

Кечқурун делегация Карл-Маркс-штадт округи корхоналаридаги ишчиларнинг ва инженер-техник ходимларнинг маданият саройида бўлган йиғилишида ҳозир бўлди. Ўртоқ В. М. Молотов ва ўртоқ О. Гротеволь нутқ сўзладилар. Йиғилиш қатнашчилари уларни шодиёна кутиб олдилар.

Сўнгра ҳукумат делегацияси ҳаваскор ишчиларнинг концертида ҳозир бўлди.

БЕРЛИН, 10 октябрь. (ТАСС). Германия Демократик Республикасининг беш йиллиги байрами муносабати блан ГДР-да меҳмон бўлиб турган Совет ҳукумат делегациясининг бошлиғи, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари ва ташқи ишлар министри ўртоқ В. М. Молотов, шунингдек ҳукумат делегациясининг а'золари: КПСС МК секретари ўртоқ П. Н. Поспелов ва СССРнинг ГДРдаги элчиси ўртоқ Г. М. Пушкин бугун Дрезденга келдилар ва унинг диққатга сазовор бўлган жойлари блан танишдилар, жумладан Дрезденда-ги машҳур «Цвингер» музейини тамоша қилдилар.

ГДР бош министри О. Гротеволь Совет ҳукумат делегациясига ҳамроҳ бўлди.

Совет ҳукумат делегациясининг а'золари: СССР Фанлар академиясининг президенти ўртоқ А. Н. Несмеянов ва Украина КП МК секретари ўртоқ О. И. Ивашченко бугун ГДРнинг илмий муассасаларини ва саноат корхоналарини бориб кўрдилар.

ГОМИНДАНЧИЛАРНИНГ XXРГА ҚАРШИ ҚАРАТИЛГАН ИҒВОГАРЛИКЛАРИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ПЕКИН, 10 октябрь. (ТАСС). Синьхуа агентлиги билдиради: чанкайшичиларнинг самолётлари Чаоэньга, Сватоуга ва Хитой Халқ Республикасининг Гуандун вилояти қиргоғи бўйидаги бошқа районларига ҳужум қилишни давом этдирмоқдалар. 5 октябрьда чанкайшичиларнинг икки қируғи самолёти «Идендейл» деган инглиз савдо кемаси устида айланиб, пастлаб учиб юрди. Бу савдо кемаси Гонконгдан Сватоуга келаётган эди. Сўнгра бу самолётлар Чаоян уезидаги Шапусян устидан учиб ўтдилар ва деҳқонларни ўққа тутдилар. Шундан кейин улар Халқ-озодлик армияси зенит артиллериясининг ўти блан ҳайдаб юборилдилар.

6 октябрьдан 8 октябрьгача чанкайшичиларнинг самолётлари Гуандун вилоятидаги Жаопин, Дэнхай, Сватоу, Чаоян ва Чаоаньга жам'и 9 марта ҳужум қилдилар.

БМТ Бош Ассамблеясининг тўққизинчи сессияси

Бош Ассамблея Сиёсий ва Махсус сиёсий комитетларининг мажлислари

НЬЮ-ЙОРК, 9 октябрь. (ТАСС). Кеча БМТ Бош Ассамблеясининг Сиёсий ва Махсус сиёсий комитетлари ўз ишларини бошладилар. Бу комитетларнинг мажлисларида комитетларнинг раис ўринбосарлари ва докладчилари сайланди. Сиёсий комитет раисининг ўринбосари қилиб Канада вакили Жонсон, докладчи қилиб Швеция вакили Торсинг сайландилар. Махсус сиёсий комитетнинг раис ўринбосари қилиб Бельгия вакили Нисо, докладчи қилиб Туркия вакили Деринсу сайландилар.

Махсус сиёсий комитет ўз кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш навбатини тасдиқлади. Комитет биринчи навбатда гоминданчиларнинг агрессив ҳаракатлари ҳақида Бирма томонидан қилинган шикоятни муҳокама қилади.

Сиёсий комитет ўз кун тартибига киритилган масалаларни қуйидаги тартибда кўришга қарор қилди: 1. «Ҳамма қуролли қучларни ва ҳамма қурол-яроғларни тартибга солиш, чеклаш ва мувофиқ равишда камайтириш» — қуролсизланиш комиссиясининг доклади. 2. «Қурол-яроғларни камайтириш ва атом, водород қуролини ҳамда ялпи қирғин қуролининг бошқа турларини тақиқлаш ҳақидаги масала юзасидан халқаро конвенция (шартнома) тузиш тўғрисида» — совет делегацияси таклиф этган модда. 3. «Уставнинг мақсад ва принципларига мувофиқ тинчликни ва хавфсизликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш учун фойдаланилиши мумкин бўлган методлар» — коллектив тадбирлар комитетининг доклади. 4. «Атом энергиясидан тинч мақсадлар учун фойдаланиш ишида халқаро ҳамкорлик» — Америка делегацияси таклиф этган модда. 5. «Ғарбий Ириан (Ғарбий Янги Гвинея) ҳақидаги масала». 6. «Корея масаласи» — БМТнинг Кореяни бирлаштириш ва тиклаш масаласи блан шуғулланучи комиссиясининг доклади. 7. «Тунис масаласи». 8. «Марокаш масаласи». 9. «Кипр ороли аҳолисига БМТнинг умумий раҳбарлигида халқлар тенг ҳуқуқлиги принципини ва ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқини татбиқ қилиш».

Бразилия делегациясининг, «Атом» қувватидан тинч мақсадлар учун фойдаланиш ишида халқаро ҳамкорлик ҳақидаги Америка таклифи тўртинчи масала сифатида муҳокама қилинсин, деган таклифи қўрилган вақтда СССР вакили А. Я. Вишинский сўзлади. У, мазкур масала энг муҳим масала бўлганлиги сабабли, кун тартибида тўртинчи ўриндан учинчи ўринга кўчирилсин, деб таклиф этди.

Америка вакили Лодж совет делегатининг бу таклифига, масалани «тайёрлаш ва ўрганиб чиқиш учун вақт зарур» деган баҳона блан қарши чиқди.

Совет Иттифоқи вакили А. Я. Вишинский ўз таклифини нима сабабдан тақдим этганлигини изоҳлаб, бу таклиф шундай принципга асосланадики, даставвал муҳим масалаларни муҳокама қилмоқ керак, деди. Бундан ташқари, СССР делегациясининг фикрича, деди А. Я. Вишинский, АҚШ ўзи тақдим этган масалани аллақачонлар тайёрлаб бўлган. Бизнинг фикримизча, бу масала юзасидан бирқанча таклифлар бор, шу сабабдан бу таклифлар блан мумкин қадар эртароқ танишиб чиқиш ва бамаслаҳат қарорлар қабул қилиш муҳимдир. Бинобарин, АҚШ делегати ва бошқа ба'зи делегатларнинг бизнинг таклифимизга қарши нима учун эътироз билдираётганликларини тушиниб олиш қийин. Албатта,— деди ўз сўзининг охирида А. Я. Вишинский, — агар АҚШ ўз масаласини муҳокама қилишга тайёр бўлмаса, совет делегацияси ўз таклифининг қабул қилинишини талаб этмайди.

Шундай қилиб, бу модда комитетнинг кун тартибида тўртинчи ўринда қолди.

Биринчи сиёсий комитет ва Махсус сиёсий комитет 11 октябрьда ўз ишларини давом этдирадилар.

Руминия Ҳалқ Республикасининг олий судида

БУХАРЕСТ, 10 октябрь. (ТАСС). Бугунги газеталарда хабар берилишича, 1954 йил 4—8 октябрьда Руминия Халқ Республикаси олий судининг ҳарбий коллегияси суд қилинучилардан Василе Лука, Александру Якоб, Иван Шолимош ва Думитру Черничкаларнинг ишини кўрган. Суд жуда кўп ҳужжатлар асосида, суд қилинучиларнинг тамомила иқрор бўлишлари ва жуда кўп гувоҳларнинг айтган сўзлари асосида шу нарсани аниқлаганки, суд қилинучи Лука давлатга қарши контрреволюцион группа ташкил қилган, бу группа меҳнаткашлар ҳокимиятига путур етказиш юзасидан, Руминияда социализм қуришни барбод қилиш ниятида халқ хўжалигини ердан чиқариш юзасидан зўр бериб ишлаб келган.

Судда аниқланишича, Лука ўзининг контрреволюцион фаолиятини 1918—1919 йиллардаёқ бошлаган, у ўша вақтда Венгрияда пролетар революциясини бостиручи ҳарбий отрядларга кўнгилли бўлиб кирган. Пулемёт группасининг командири бўлган Лука Трансильванияда ва Венгрияда буржуа — помещиклар зулмини йўқотишга интилган ишчилар ва деҳқонлардан қонли ўч олишда бевосита қатнашган. Лука 1924 йилда Брашовда Руминия Коммунистик партияси ташкилотига суқулиб киргач, дарҳол маҳаллий сигуранца (охранка) органлари блан алоқа боглаб, уларни партиянинг махфий ишлари ҳақида хабардор қилиб турган ва жуда кўп революционерларни охранка қўлига ушлаб берган. Ана шу йилдан бошлаб Лука сигуранцанинг ёллланган агенти — провокатор бўлиб қолган.

У 1928 йилда Руминия Коммунистик партиясининг IV с'езди бўлажаги ҳақида сигуранцани хабардор қилган, с'езда сигуранцанинг топшириқларини бажарган ва с'езднинг резолюцияларини ҳамда бошқа ҳужжатларни партия МК а'золарининг тўла рўйхати блан бирга сигуранцага топширган. 1929 йилда Лука бирлашган касаба союзларининг Тимишоардаги умумий с'езднинг қатнашчиларидан қонли ўч олиш ва касаба союз раҳбарларини қамаш ишида сигуранцага ёрдам берган. 1929—1930 йилларда Лука коммунистик ҳаракатнинг эски душмани, троцкийчи агент Марчел Паукер (Луксимин) бошлиқ хоинлар тўдасини қўллаб-қувватлаш учун сигуранцадан пул олган.

1944 йил 23 августдан кейин Лука ўзининг ўтмишдаги жиноий ишларини жуда пухта бекитиб, юксак партия ва давлат лавозимларига суқулиб кираолган. Лука ўзининг жиноий мақсадларини амалга ошириш ниятида контрреволюцион элементларни ўз теварагига тўплаган ва молия министри бўлишидан ҳамда министрлар совети раисининг ўринбосари бўлишидан фойдаланиб, ана шу элементларни муҳим давлат лавозимларига тайинлаган. Булар орасида ишчилар синфининг эски душмани А. Якоб ва йирик буржуазия доиралари блан яқиндан боғланган муттаҳам ҳарбий жиноятчи И. Шолимош бор.

Лука ва унинг шериклари меҳнаткаш халқнинг ашаддий душманлари сифатида иш кўриб, ўз жиноий фаолиятларини халқ хўжалигига путур етказишга қаратганлар. Улар социалистик саноат соҳасида корхоналарнинг ишлабчиқариш фаолиятини тўсиб келганлар, бу эса 1950 ва 1951 йилларда давлат планини бажаришда жиддий қийинчиликлар туғдирган ҳамда давлатга ва меҳнаткашларга катта зарар етказган. Бу жиноятчилар ишчилар синфининг деҳқонлар блан иттифоқини бузишга уринганлар. Лука ва Якоб солиқларни йиғиш аппаратига капиталистик элементларни қўллаб-қувватлашга қаратилган йўл-йўриқни берганлар, Черничика ва Шолимош Центросоюз раиси ўринбосарлари бўлиб ишлаганларида В. Луканинг директивасини бажариб, кооперация органларига ёт ва душман унсурларнинг суқулиб киришига йўл қўйганлар.

Суд қилинучилар 1951 йилнинг охирида пул ислоҳоти ўтказишни барбод қилмоқчи бўлганлар.

Суддаги ҳужжатлар, далил бўладиган буюмлар, суд қилинучиларнинг ўз гуноҳларига иқрор бўлиб айткан сўзлари ва жуда кўп гувоҳларнинг сўзлари ҳамма суд қилинганларнинг айбдорлигини тўла исботлади. Ҳамма суд қилинганлар давлатга ва меҳнаткаш халққа қарши юқорида айтилган жиноятларни қилишда ўз айбларига тўла иқрор бўлдилар.

Руминия Халқ Республикасининг олий суди В. Лукани ўлим жазосига, А. Якобни 20 йил ва Шолимошни 15 йил каторга ишига, Д. Черничкани уч йил қамоқ жазосига ҳукм қилди.

Буюк миллат мажлисининг президиуми ҳукм қилинган Василе Луканинг илтимосини кўриб чиқиб, ўлим жазосини умрбод каторга ишлари блан алмоштирди.

Италия социалистик партияси Марказий комитетининг пленуми

РИМ, 9 октябрь. (ТАСС). Италия Коммунистик партияси Марказий комитетининг пленуми ўз ишини тамомлади. Ненни доклади юзасидан кенг музокара ўтказилганидан кейин, резолюция қабул қилинди. Бу резолюцияда қуйидагилар айтилади: Партия «ҳозирги ҳукуматга нисбатан кучлироқ оппозицияда бўлиш сиёсатини амалга оширади. Ҳозирги ҳукумат вазиятдаги кескинликни юмшатиш йўлидаги гов бўлиб мамлакатни парчалаб юбориш ва халқ оммасига нисбатан иғвогарлик қилиш қуролидир».

«Аванти» газетасининг билдиришича, Марказий комитет келгуси йилнинг март ойида Италия социалистик партиясининг 31-нчи миллий с'ездини ўтказишга қарор қилган.

Ироқ бош министри Туркияга келди

НЬЮ-ЙОРК, 10 октябрь. (ТАСС). Ассошиэйтед Пресс агентлигининг мухбири хабар беради: кеча Ироқ бош министри Нури Саид Истамбулга келди.

Дипломатик доиралларнинг фикрича, деб билдиради агентлик, бош министрлар Ироқнинг Туркия-Покистон пактига қўшилиш имкониятини муҳокама қиладилар.

Эроннинг собиқ ташқи ишлар министри Фотимий ўлим жазосига ҳукм қилинди

ЛОНДОН, 11 октябрь. (ТАСС). Рейтер агентлигининг Теҳрондаги мухбири берган хабарга қараганда, Мосаддиқ ҳукуматида ташқи ишлар министри бўлган Хусайн Фотимий ҳарбий суд томонидан ўлим жазосига ҳукм қилинган. Фотимий бу ҳукм устидан дарҳол шикоятнома топширган.

Футболчиларнинг халқаро ўртоқларча учрашуви

ЛЕНИНГРАД, 10 октябрь. (ТАСС). Бугун С. М. Киров номли стадионда Финляндия ва Ленинград терма командалари ўртасида футбол бўйича халқаро ўртоқларча учрашув ўтказилди. Бу учрашувда Ленинград терма командаси 2:0 ҳисоби блан ғалаба қилди.

Тошкентда

Тошкентдаги Карл Маркс кўчасида «Ўзхудожпромсоюз»нинг бадиий буюмлар магазини очилди.

Магазинда Ўзбекистондаги 20 дан ортиқ артельда ишлаб чиқарилган турли кийимлар, маданий-маиший буюмлар сотилмоқда. Бу магазинда бежирим қилиб тикилган сорочка дейсиз-ми, чуст ёки гиламнусҳа дўппи дейсиз-ми, гулдор гилам дейсиз-ми, наққошлик блан ишланган дутор дейсизми-ҳаммаси бор. Магазинда халқ музика асбобларининг махсус бўлими ҳам очилган. Айниқса Тошкент артельлари ишлаб чиқарган бадиий буюмлари кишини завқлантиради. Тошкентдаги Сталин номли артельнинг моҳир усталари тиккан ажойиб сўзоналар харидорларнинг диққатини ўзига тортмоқда.

Суратда: Карл Маркс кўчасида очилган янги магазинда.

Б. Мазур фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

☆ ☆

Кекса ишчининг юбилейи

Тошкент трамвай-треллейбус тестининг коллективи Иван Сергеевич Карповнинг меҳнат фаолиятига 40 йил тўлган кунни нишонлади. Иван Сергеевич ўзининг иш фаолиятини 1914 йилда Тошкентдаги вагон-ремонт устахоналарида бошлади. Ўртоқ Карпов шу ўтган вақтлар ичида механик, слесарлар бригадасининг бошлиғи, асбобсозлик цехининг бошлиғи вазифаларида ишлади. Ҳозир эса у техника-контроль бўлими бошлиғи бўлиб ишлаб, асбоб-ускуналарни юқори сифат блан ремонтдан чиқарилиши учун қурашмоқда.

Шаҳар транспортида кўп вақтдан бери ишлаб, кўрсатган яхши хизматлари учун ўртоқ Карпов трест ма'муриятти томонидан бирнеча марта мукофотланди. Тошкент шаҳар ижроия комитети Иван Сергеевич Карповни Фахрий ёрлиқ блан мукофотлади.

Ишчилар шаҳарчаси

Абразив заводи меҳнаткашларининг социалистик шаҳарчаси кун сайин ободонлашиб, посёлка ҳуснига-ҳуси қўшмоқда. Шаҳарчада бу йил янги мактаб, болалар боғчаси ва ясли қурилиб ишга туширилди.

Бу йил очилган озиқ-овқат, саноат моллари магазинлари ва сабзавот маҳсулотлари сотадиган дўконлар шаҳарча меҳнаткашларининг эҳтиёжини тўла қондирмоқда.

Завод ҳузуридаги клуб меҳнаткашларнинг маданий дам олиш жойига айланди. Корхонанинг инженер-техник ходимлари ва мутахассис ишчилари томонидан клубда лекциялар уюштирилди. Масалан, «Хотин-қизлар ишлабчиқаришда катта қуч», «Ислом динининг реакцион моҳияти» каби бирқанча темаларда лекциялар ўқилди. Шунингдек, «Бой ила хизматчи», «Кемалар қал'аларни штурм қилмоқда», «Нафрат мактаби» каби кинофильмлар кўрсатилди.

Шу кунларда шаҳарчани янада кўкаламзорлаштириш учун турли мевали дарахтлар ўтқазиш юзасидан бирқанча тадбирлар белгиланди. Завод ёшларининг ташаббуси блан физкультура ва спорт майдончаси ташкил этилди. Корхона меҳнаткашлари учун тўртта кўпхонали уй-жой бинолари қуриб берилди.

Ота-оналар учун

Сталин район партия комитетининг хотин-қизлар ўртасида ишлаш бўлими лекция пропагандасини кучайтирмоқда.

Яқинда Сталин районидаги 141-нчи ўрта мактаб клубида ўқучиларнинг ота-оналари учун «Ўзбекистон хотин-қизлари коммунизмнинг актив қуручилари» деган темада лекция ўқиб берилди. Лекцияни шаҳар партия комитетининг лектори ўртоқ Давлятшаева ўқиди. Бунга 315 киши қатнашди.

Лекциядан сўнг ёш ҳаваскор сан'атчилар ижросида катта концерт қўйиб берилди.

Ўзбекистоннинг 30 йиллиги ҳақида лекция

Сталин номли тўқимачилик комбинатида тарих фанлари кандидати Х. Турсунов «Ўзбекистон ССРнинг 30 йиллиги» деган темада лекция ўқиди.

Ўқитучилар малакасини ошириш институтида қишлоқ хўжалик фанлари кандидати ўртоқ Пўлатова ўқиган «Ўзбекистон — СССРнинг асосий пахта базаси» деган темадаги лекцияси қизиқарли ўтди. Тарих фанлари кандидати Л. Шек 1-нчи пойафзал фабрикасининг ишчи ва хизматчиларига «30 йил ичида социалистик Ўзбекистонда индустриянинг ўсиши» деган темада лекция ўқиб берди.

Завод оталигидаги мактабда

Куйбишев районидаги ремонт-механика заводи бошқармаси ўз оталигидаги 140-нчи ўрта мактаб ўқучиларининг политехника та'лимини пухта эгаллашлари учун яхши ғамхўрлик қилмоқда. Завод мактаб ҳузурида техникани ўрганиш устахонаси ташкил қилиб, уни етарли миқдорда асбоб-ускуналар блан та'минлади. Ҳозир бу ерда завод мутахассислари ва мактаб ўқитучилари раҳбарлигида техникавий машғулотлар ўтказилмоқда.

Шунингдек, заводнинг турли цех ва лабораториялларига юқори синф ўқучиларининг экскурсиялари тез-тез уюштириб турилади. Яқинда завод директори ўртоқ Кочалин ўқучилар ўртасида техника янгиликлари ҳақида суҳбат ўтказди.

Бу тадбирлар ўқучиларнинг техника билимларини пухта эгаллашлари учун катта ёрдам бермоқда.

Совға

Пайпоқ-трикотаж фабрикасининг ишчилари ва инженер-техник ходимлари халқимиз учун кўп миқдорда кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш учун самарали меҳнат қилмоқдалар. Фабрика коллективи аёллар, болалар ва эркаклар учун ишлаб чиқараётган кўйлаклар, ич кийимлари, пайпоқлар ва носкиларнинг сифатини яхшилаш блан бирга уларнинг хилини ҳам кўпайтириш учун астойдил курашмоқдалар.

Фабрика техника совети бадиий совет ходимлари блан ҳамкорликда ишлаб, республикамизнинг шонли юбилейига муносиб совғалар тайёрлаётирлар. Улар 20 га яқин янги хил гул босилган трикотажлар нусҳасини ишлаб чиқдилар. Айниқса трикотаждан тайёрланган атлас истеъмолчиларга жуда манзур бўладиган материалдир. Бу янги трикотаж атлас пишиқ ва чиройли бўлиб, ундан тикилган кийим ғижимланмайди. Нархи ҳам шойи атласдан анча арзон.

Яқин кунларда бу янги хил маҳсулотлар оммавий серияда ишлаб чиқарилади.

Бош пионер вожатийлар семинари

Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент шаҳар комсомол комитети шаҳар мактабларида ишлаётган бош пионер вожатийлари учун 3 кунлик методик семинар ўтказди. Семинар қатнашчилари «Совет ёшларининг ма'навий қиёфаси», «Пионер ва ўқучиларни коммунистик руҳда тарбиялаш», «Пионер ташкилоти ва комсомол», «Пионер активлари блан ишлаш усуллари», «Бош пионер вожатийси ва ўқитучилар коллективи», «Техника тўгаракларини ташкил қилишда бош пионер вожатийсининг роли», «Горн ва барабан—пионер ташкилотининг символи», «Халқаро аҳвол ҳақида» ва бошқа бирқанча темаларда лекция ва докладлар тингладилар.

Семинарда пионер ва комсомол ташкилотининг ишини яхшилаш ҳақида ўзаро фикр олмошувлар бўлиб ўтди. Докладчилардан ўртоқ Тўраева, Абдураззоқов, Муҳаммаджонов, С. Юнусовлар бош пионер вожатийларни ва Ленин номидаги пионер ташкилотининг ишини янада яхшилаш юзасидан яхши кўрсатмалар бердилар. Семинар қатнашчилари учун экскурсия уюштирилди.

Бўлажак журналистлар практик машғулотларини тугатдилар

В. И. Ленин номидаги Ўрта Осиё Давлат университети филология факультети журналистика бўлимининг IV—V курс студентлари бир ойлик ишлабчиқариш практикаси машғулотларини тугатдилар.

Бўлажак журналистлар «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока», «Комсомолец Узбекистана», «Ёш ленингчи», «Ленин учқуни», «Тошкент ҳақиқати», «Ташкентская Правда» каби республика ва область газета редакцияларида бўлиб, назарий билимларини практика блан боғладилар. Студентлар редакцияларнинг структуралари, бўлимларнинг вазифалари ва иш усуллари блан танишдилар. Практикантлар мухбирлар блан ишлаш, макет тузиш, вёрстка қилиш каби процессларда иштирок этдилар, областимизнинг колхозларида, маданият муассасаларида ва завод-фабрикаларида бўлиб, турли хабарлар ёздилар.

Айниқса студентлардан Г. Крюк, В. Земенко, Ш. Қамбарова, М. Нурмуҳамедова, Л. Маҳмудов, М. Бегалиева, Х. Назиров ўртоқлар редакциялар ишларида актив қатнашдилар.

Практикант студентлар «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока», «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг типографиясида бўлдилар, турли цехларни айландилар, Совет Иттифоқида ишланган полиграфия машиналари блан танишдилар.

Об-ҳаво ма'лумоти

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумотига қараганда, бугун Тошкент областида ҳаво ўзгариб турсада ёғингарчилик деярли бўлмайди. Тошкент областида 22—27 даражa иссиқ бўлади. Бугун кундузи Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик деярли бўлмайди, температура 23—25— даража иссиқ бўлади.

Японня иқтисодий делегациясининг Ўзбекистонда бўлиши

Япония Ташқи ишлар министрлигининг маслаҳатчиси Нобухико Усиба бошчилигидаги Япония иқтисодий делегацияси 10 октябрьда Тошкентдан Москвага жўнаб кетди.

Делегация а'золари Ўзбекистонда бўлган вақтда республика саноати ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши блан танишиб чиқдилар. Улар Тошкентда ип газлама ишлаб чиқариш блан қизиқдилар. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг олимлари блан суҳбат қилдилар, кўпгина маданий-оқартув муассасаларида бўлдилар. Делегация пахтачилик колхозида, Ўзбекистон шоли тажриба станциясида бўлди. (ЎзТАГ).

Ҳиндистон Республикаси кинематографияси арбоблари делегацияси Тошкентдан жўнаб кетди

Ҳиндистон Республикаси кинематографияси арбобларининг Тошкентда меҳмон бўлган делегацияси 10 октябрьда Тбилисига жўнаб кетди. Делегацияга машҳур режиссёр ва сценарист А. Аббас бошчилик қилади.

Ҳиндистон киноси мастерлари Ўзбекистон пойтахтида бўлган вақтда маданий-оқартув муассасаларида бўлдилар, кўпгина сан'ат ходимлари блан суҳбат қилдилар, тамошабинлар блан учрашдилар. Делегация пахтачилик колхозига борди. Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги Ҳиндистон киноси мастерлари шарафига қабул маросими ўтказди. Қабул маросимида республика сан'ати ва адабиёти арбоблари ҳозир бўлдилар. (ЎзТАГ).

Калькуттэ шаҳрининг бошлиғи Мукержи жаноблари Тошкентга келди

Москва Совети ижроия комитетининг таклифига мувофиқ, Совет Иттифоқида меҳмон бўлаётган Калькутта шаҳрининг бошлиғи Мукержи жаноблари Тошкентга келди.

Аэродромда Мукержи жанобларини Тошкент шаҳар Советининг депутатлари, шаҳар ижроия комитетининг мас'ул ходимлари кутиб олдилар.

Мукержи жаноблари Тошкентнинг хушманзара жойлари блан, шаҳар хўжалиги блан танишади. (ЎзТАГ).

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТР ВА КИНОЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 12/X да **Юрак сирлари**, 13/X да **Алишер Навоий**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 13/X да **катта цирк тамошалари**. Аттракцион — **«Ўргатилган ҳинд филлари»**. Ўргатучи РСФСРда хизмат кўрсатган артист **А. Корнилов**. Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» — янги ҳинд бадиий фильми **Дайди** (2-нчи серия).

ЁЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

«ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ХИВА», «УДАРНИК», ТЕЛЬМАН номли — **Дайди** (2-нчи серия).

ПУШКИН номли — **Дайди** (1-нчи серия).

«9-НЧИ МАЙ» — **Александр Пархоменко.**

«ИСКРА» — **Разведкачининг жасорати.**

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент. «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия турмуши бўлими—136, Пропаганда бўлими—157. Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040. Қишлоқ хўжалик бўлими — 135. Саноат ва транспорт бўлими — 132, Хатлар бўлими — 132 Секретариат—34048, Э'лонлар бўлими—38142

Р08711. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1484.